

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 36-37 (6877-6878)  
1998 йил 12 май, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

Йўл қойидаси - умр фойдаси

## ЙЎЛГА ҚАРАНГ, МАШИНА!

Ишдан қайтиб, маҳалламизга яқинлашганимда Зайнаб холанинг дарвозаси олдида тумонат одамга кўзим тушди. Уларнинг кайфиятидан бирор кор-хол бўлганини сездим.

Сердуо, ёш-у кексани яхшиликка бошловчи Зайнаб холанинг тўрт қиз набираси ичида ёлғиз ўғил - Жасур исмли набираси ҳам бор эди. Хола Жасурни бўлакча суярди. Шунинг учун ҳам унинг баъзида қилган шўхликларини кўтарарэди. Холанинг айтишича у жуда аълочи, бироқ шўхроқ ҳам экан.

Ўша куни кўчада ўйнаётган Жасур катта опаси Жамиланинг дўконга кетаётганини кўриб қолибди. Ва, унга етиб олишга шошилибди. Буни кузатиб турган Зайнаб хола: «Сен борма, болажоним, опанг тезда келади», дейишига кулоқ солмай, синфдоши Санжарни ҳам судрабди. Икки ўртоқ бир-бирига қарамасдан, катта йўлдаги белгиларга амал қилмас-

дан чопиб- чопиб кетаверишибди. Шунда муюлишдан чиқиб қолган автобус олдинда кетаётган Жасурни уриб юборибди...

Кўрдингизми, болалар икки ўртада ҳайдовчи ҳам айбсиз айбдор бўлиб қолди. Агар Жасур йўл ҳаракати қондасига қатъий риоя қилганида, бундай бахтсиз ходиса содир бўлмасди...

Давлат автомобиль назорати ходимларининг айтишларича, йўл-транспорт ходисаларининг тез-тез содир бўлишига асосан болалар сабаб бўлаяпти экан. Улар йўл ҳаракати қондаларини яхши билмасликлари ёки амал қилмасликлари оқибатида бу нохушликлар келиб чиқаяпти.

Ана шундай бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун кўчани кесиб ўтишда йўл белгиларига қатъий амал қилишингиз шарт. Мактабларда эса «Яшил чироқ» ўйин-викторинасини тез-тез ўтказиб туриш ҳам бу борада кўникма ва малака хосил қилади.

Ушбу суратда тенгдошларингиз Собир Рахимов туманидаги 249-мактаб ўқувчилари навбатдаги «Яшил чироқ» ўйин-викторинасига тайёргарлик кўришяпти.

Феруза ОДИЛОВА.

Сураткаш Равиль АЛЬБЕКОВ.



## БАЛЬЗАК БИЛАН БЕЛЛАШГАН АДИБ

Мактабимизда адиб Садриддин Айний таваллуд кунига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда алоҳида тайёргарлик кўрган 8-синф ўқувчилари ёзувчининг асарларидан намуналар ўқиб, «Судхўрнинг ўлими» қиссасидан сахна кўришиши намойиш этишди. Мактабнинг 10-синф ўқувчилари эса ёзувчи ҳақида битилган шеърлардан ифодали ўқишди. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси М.Толипов кеча иштирокчиларига француз ёзувчиси

Луи Арагоннинг: «Садриддин Айний дунёда китмирлар образини яратишда Бальзак билан бир каторда туради» деган сўзларини айтди.

Нодира АБДУЛЛАЕВА,  
Бухоро вилояти,  
Шофиркон туманидаги,  
Алишер Навоий номи  
4-мактаб, 10-«Б» синф  
ўқувчиси.

## "ҚУВНОҚ СТАРТЛАР" ҚУВОНЧИ

Фарғона шаҳридаги кимёгарлар майдони спорт ишқибозлари билан гавжум бўлди. Йилганлар «Кувноқ



сартлар» кўрик-танловининг дастлабки ўйинида ёлиб чиқиб, вилоят босқичида иштирок этишга келган Ўзбекистон ва Олтиариқ, Данғара ва Тошлоқ тумани ёш спортчиларининг маҳоратига баҳо бердилар. Чиндан ҳам 7 тур бўйича куч синашган ҳар иккала жуфтликнинг ёш спортчилари билимдон, эпчилликларини намойиш қилдилар. Танлов

сўнгида Низомий номи 48-мактабнинг «Хумо» жамоаси Республика «Кувноқ сартлар» ида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди ва Фарғона вилояти Халқ Таълими ва вилоят «Соғлом авлод» жамғармасининг «Фахрий ёрлиғи», қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Меҳмонали ЮСУПОВ,  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон туманидаги  
52-мактаб ўқувчиси.

## ПАЗАНДА ҚИЗ РУХСОРА

Оила йили муносабати билан мактабимизда катор тадбирлар бўляпти. Ана шундайлардан бири яқинда «Қизлар ҳаётга тайёرمىсиз?» мавзусидаги «Балли қизлар» кўрик-танловидир.

Унда 9-10-11-синф қизлари иштирок этиб, 5 шарт бўйича куч синашдилар. Танловда барча шартларни аъло даражада бажариб олқиш олган, 11-синф ўқувчиси Рухсора Шириновани

«пазанда қиз» деб атаяпмиз.

Худди шундай танлов 8-синфлар ўртасида ҳам бўлиб ўтди. Унда синфдошим Дилбар Ҳамидова 40 балл тўплаб Рухсора опамизга етай деб

қолди.

Бундай кизиқарли кечаларни уюштираётган устозларимиз Озода Саъдуллаева, Бозоргул Бўроновалардан жуда хурсандмиз.

Матлуба ҒАЙБУЛЛАЕВА,  
Бухоро вилояти  
Ғиждувон туманидаги  
40-мактаб 8-синф  
ўқувчиси



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 2-ЎРТА МАКТАБНИНГ 6-«А» ГИМНАЗИЯ СИНФИДА



миз. Раҳбаримиз маслаҳатлари билан утмишда утган отабоболаримиз ҳақида маълумотлар йиғяпмиз. Яқинда уларни сенга юборсак, чиқарасанми?  
**Озода ХУДОЙБЕРДИЕВА**

\*\*\*

Қишлоғимиз жуда куркам ва обод. Бу ерларни қадимда Шамси ота деган бобомиз обод қилиб боғлар, полиз-у экин-



Менинг исмим Лобар. Уқишларим яхши. Буш вақтларимда шеърлар машқ қилиб тураман. Укаларим, жиянларимни уйнатаман. Кичик-кичик шеърларимдан уларга уқиб бераман. Жияним — Жаҳонгир яқинда бир ёшга тўлди. Тугилган кунига атаб шеър ёзган эдим:

*Бугун бир ёшга*

*тўлибди жияним,*

*Уйимизга меҳмон*

*тўлди лиммо-лим.*

*Ҳамма бугун*

*Жаҳонгири қутлайди,*

*Унга соғлиқ, узоқ-умр*

*тилайди.*

**Лобархон**

**КАРИМЖОНОВА**



Мен «Тонг юлдузи» сандан маслаҳат сурайман. Менинг бир яқин дугонам бор эди. Биз жуда аҳил эдик. Баҳорги таътилдан сунг дугонам менга эътибор бермай қуйди. Билишимча, у янги дуст топибди. Дугона, дустларни шундай тез алмаштирса буладими? У менга дугона булмаган экан-да? Ҳозирча индамай юрибман. Ундан хафа булишим уринлими?

**Зулфия РАҲИМОВА**

\*\*\*

Азиз сирдошим «Тонг юлдузи»! Биз ҳар бир сонингни соғиниб кутамиз. Синф раҳбаримиз Шоира опамлар билан газетада берилган мақолалар ҳақида баҳслар утказамиз.



зорлар барпо қилган эканлар. Шунинг учун қишлоғимизга «Шамсиобод» деб ном берилган экан.

Қишлоқда боғлар, далалардан ташқари яхши, намунали мактаблар, кутубхона, дуконлар бор. Бизнинг 2-урта мактаб қишлоқдаги энг яхши мактаблар қаторига киради. Бизда инглиз тили, математика ва она тили фанлари чуқур ургатилади. Яхшигина спорт майдончамиз бор. У ерда бошқа мактаб болалари билан спорт беллашувлари, футбол уйинлари утказилиб турилади.

**Зебунисо НОДИРОВА**

Қадрли «Тонг юлдузи»! Менинг уқишларим яхши. Мактабни битириб, уқишимни олийгоҳда давом эттириш ниятим бор. Лекин купчилик ота-оналар қизларининг уқишига унчалик аҳамият бермайдилар. Қиз боланинг уқиши шарт эмас, уй ишларини ургангани маъқул, эмиш. Мен билган купгина қизлар мактабни битириб уйда утиришибди. Менимча, бу нотўғри. Лекин уқиб, илм олаётган қизлар уй ишларини ташлаб қуйишаётгани йўқ-ку? Униям, буниям эплашяпти. Илмли, тарбия курган қизлар ҳаётда уз урниларини топиб кетадилар. Шундай эмасми?

**Саида ЖАББОРОВА**

*Азиз уқувчилар! «Тонг юлдузи» сизнинг мактабингизда, синфингизда меҳмон булиши мумкин. Бунинг учун дилингиздаги гапларингиз, қулоққа айтадиган сирларингиз булса, бизга эзиб суратларингиз билан қушиб юборинг. Фикрларингиз, маънавиятингиз хатларингизда уфурса, қалбимиз тула ҳаяжон билан ҳузурингизга отланамиз.*


**Тахририят**

## ЛОЧИНБЕКНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Болалар, газетамизнинг 1998 йил 17 март сонида фарғоналик Лочинбек Исмоиловнинг «Сенга ёзилиб адашмабман» сарлавҳали мақоласи ва узи чизган расми эълон қилган эдик. Лочинбекнинг мактабда шахсий расмлар кургазмаси очилибди. Кургазмага унинг 100 га яқин ижодий иши қуйилибди. Унинг ёзишча бундай кургазма мактаб тарихида илк бор ташкил этилган. Ёш рассомга ижодий омад тилаб, кургазмага қуйилган расмларидан айрим-



ларини эътиборингизга ҳавола этияпмиз кулинг, ҳавас қилинг.



## ОНАЛАР ТАШАББУСИ

Мактабимиз синфхоналари анча эскириб, цемент устига ёпиштирилган линолумлар йиртилиб кетган. Айниқса, бошлангич синф уқувчилари гоҳ йиқилиб, гоҳ қоқилиб қийналишади. Бундан воқиф булган оналар маслаҳатлашиб, уртада пул туплашди ва синфхоналар полини янгилаб,

тахтадан қилиб беришни режалаштиришди. Бундай эътибордан нафақат мактаб жамоаси, балки билимга чанқоқ биз уқувчилар ҳам жуда хурсандимиз.

**Жавоҳир ЖАҲОНГИРОВ,**  
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги  
39-мактаб ўқувчиси.



Атоқли санъаткор ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг қаламидан тукилган ҳар бир сўз, ибора, жумла оҳорли, мухтасар... халқона ва гоёт мантиққа бойлиги билан таассуротларимизни янада бойитгани барчага бешқулдай аён. Куюнчак адибимизнинг ижод оламини ҳайрат дунёси,

— Мени, — деб эслайди Икромжон, — ардоқли газетам «Тонг юлдузи» болаликнинг бир умрлик жозиб хотиралари билан ошно этди. Хотираларим бисёр... Насиб этса, уларни китоб ҳолида жамлаб, келгусида бегубор болаликнинг узига бус-бутунлигича тақдим этмоқчиман. Илло,

## ШОГИРДЛАРИ... ЮЛДУЗЛАРЧА БОР

дейиш мумкин. У СУЗ МАСЪУЛИЯТИ билан ҳар қандай нишонни аниқ ва бехато мулжалга олишни узидан мерос қилиб қолдирган. У қай бир суҳбатларининг бирида иқтидорли ёзувчиларнинг аксарияти «Гогольнинг шинелидан чиққан», дея жуда топиб таъриф бергани, ҳойнаҳой, уқувчини ҳали-ҳамон ва бундан кейин ҳам ҳайрат оламига чорлаб туради...

Шу маънода фикр юритадиган бўлсак, барчамиз учун сеvimли газетамиз — «Тонг юлдузи» (демак, олдинги «Ленин учқуни»)ни... Абдулла Қаҳҳорнинг таъбирича, «Гогольнинг шинели»га қиёс этиш мумкин. Чунки биз ким булмайлик — хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи, хоҳ ёзувчи ёхуд шоир, хоҳ муҳаррир) публицист ва ҳатто ишбилармон — куйинг-чи, ҳамма-ҳаммамизнинг камолимиз ва бугунги иқболимиз «Тонг юлдузи»нинг саҳифа

— майдонида шаклланган, десак — асло мубола-

### Қутлов

га булмайди. Бизга ҳаётимизнинг аввалида ота-онамиз, кейин биринчи уқитувчи ва мураббийларимиз таълим берган бўлса, ҳарф таниб... хижжалаб уқишга киришибмизки, барча-барчамиз «Тонг юлдузи»га ошно тутинганмиз. Эҳ, шу газетанинг узидан ишлаб, бағрида ижод оламига тетапоё бўлиб кирганлар, эндиликда машҳур ёзувчи, публицист — бир сўз билан айтганда, ижодкорлар қанча! Бу силсиланинг оқими, тугёни, сафи узун. Дустимиз Икромжон Утбосаров ҳам нуфузли шу сафнинг ардоқли ва эъзозли қаторидадир.

Фаргона водийсининг, тугрироғи, Бешариқнинг умидли нав-ниҳоли Икромжон Тошкентга — азим ва беназир пойтахт остонасига катта умидлар билан қадам қуйди. Онажониси, айна чоғда табаррук 100 ёшга кирган Ҳидоят бибининг ва бошқа жигарларининг оқ фотиҳасига фаришталар омин айтган шекилли, уша мурғак нав-ниҳол шаҳри азимда гунчалади, гулга кирди, шигил-шигил ҳосилини ижод дастурхонига тукди. Инчунун, «Тонг юлдузи» ҳали «Ленин учқуни» номи билан аталган 1970—1984 йилларда унинг ижод майдонида жавлон урди. Дорилфунунда олган билим ва тажрибасини сатрлар аро саҳифаларга олиб чиқди. Узбекистоннинг болалик дунёсини қаламга олишдан олам-олам завқ ва шавқ туйди. Икром Утбосаров исми ва шарифи «учқун»ланиб... учқунланиб, не-не юракларга эзгулик алангасини ёкди. Шу ерда узига хос устозлар орттирди. Қаламидан учқунлар сачрайверди... сачрайверди.

яхши ният — ярим давлат...

Дарвоқе, азиз болажонлар, республикамизда чиқаётган нуфузли газеталар

бисёрлигини сиз яхши биласиз. Бир пайтлар и «Қишлоқ ҳақиқати» номи билан аталган бир газета бор. У бутун Ўзбекистонимиз қишлоқларининг, деҳқончилигининг кўзгуси ҳисобланади. Эндиликда уша газета бежиз «Қишлоқ ҳаёти» аталайди. Икром акангиз 1985 йилнинг бошлари-



дан 1991 йилнинг охиригача «Қишлоқ ҳақиқати»да фаолият курсатган. «Тонг юлдузи»дан бошланган уқтам ва тетик қадами бу ерда янада уқтамлашган. Демак, бу газета саҳифаларида ҳам акажонингизнинг муҳрланиб қолган ижодий изланишлари баралла буй курсатиб турибди.

Ҳозир дустимиз Икромжон Утбосаров — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси — «Халқ сўзи»да булим мудири. Журналистикада узига хос мактаб яратган ижодкор. Агар ишонмасангиз, «Халқ сўзи»нинг ҳар кунги сонини варақлаб кўринг. Иқтисодиёт мавзуси Икромжоннинг ижодида ҳар доим устувор. Хуллас, ҳамма соҳада Икром акангизнинг қалами қайралган, устоз даражасида қалам тебратмоқда. Бу дустимизнинг эндиликда шогирдлари ҳам худди ана шу юлдузлардай кўп, ардоқли...

Айтганча, ҳар қандай орзу — эзгуликнинг дебоча қадами оиладан бошланадир! Икромжон акангизнинг ҳам ҳамма ҳавас қилгулик оиласи бор. Умр йулдоши Мавлудакон билан 4 нафар қоракўзни мумин-қобил фарзандлар туйғусида тарбиялашмоқда. Тунгичи — Камронжон Тошкент молия институтида таҳсил олмоқда. Дилсузхон — уқитувчи. Мубинжон — менежмент. Кенжатоё Сарваржон эса уқувчи. Худди сизларга ухшаб мактабидан ҳар куни «4» — «5» лар олиб келади. У ҳам отажонисига тортган бўлса, ажаб эмас.

Азизлар, қани, менга яқинроқ келинг — сизга ажойиб «сир»ни айтаман. Шу кунларда Икром акангиз қутлуг 50 ёшга тулди. Келинг, ният қилайлик — яна камида шунча ёш Икромжонга насиб этсин!!!

Абдулла  
ТУРДИЕВ,  
шоир.

## ИШ БИЛГАННИНГ ЮЗИ ЁРУФ

Сарлавҳамиздаги иборанинг қанчалик тугрилигини Фаргона вилояти, Учқўприк туманидаги 1-Болалар ва усмирлар уйи директори Мавлуда Абдуллаева мисолида кўриш мумкин. 1986 йилда бу ерга раҳбар бўлиб келганларида атиги 4 та тугарак мавжуд эди. 1994 йилда тугараклар сони 13 та бўлса, 1997 йилга келиб 23 тага кўпайди. Халқимизнинг миллий ва амалий санъатини, боболаримиз меросини давом эттириш мақсадида «Наққошлик», «Ганчкорлик», «Каштачилик» каби кўплаб тугараклар ташкил этилган бўлса, уз навбатида уқувчиларнинг санъат ва адабиётга қизиқишларини эътиборга олган ҳолда «Қаламқаш», «Ёш мухбир», «Муסיқа», «Раққосалик» тугараклари ташкил этилиб, унда туманимиздаги жуда кўплаб мактабларнинг уқувчилари жалб этилган. Тугаракларнинг иқтидорли ва истеъдодли уқувчилари туман, вилоят ва Республика миқёсида утказиладиган барча кўрик-танловларда иштирок этишиб, фахрли уринларни эгалламоқдалар. Жумладан, иқтидорли болаларнинг VI Республика слётида 19-мактабнинг 11-синф уқувчиси, «Наққошлик» тугарагининг аъзоси Умид Эргашев ва «Қаламқаш» тугараги аъзоси, 20-мактаб уқувчиси Ш. Бутаев фахрли 1-урин-

ни эгалладилар. Айниқса, Ш. Бутаевнинг шеърлари бутун слёт қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Халқ Талими Вазири Ж. Ғаниевнинг Ш. Бутаев ҳақидаги илиқ фикрлари, унинг VI-слётнинг узидан Республика нафис санъат лицейига аъзо бўлиши фикримизнинг далилидир.

### Бизнинг тўғарак

«— Ютуқлар узимизники, — дейди М. Абдуллаева камтарлик билан, — энг муҳими бу ерга умид билан келатган уқувчи — ёшларга қўлимиздан келганча билим ва хунар беришдир».

Яқинда тумандаги 1-ва 2-Болалар уйи бирлаштирилиб, ҳозирги кунда бу масканда 46 та тугаракда 1730 дан ортиқ уқувчилар касб-хунар урганмоқдалар.

Уқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг истак ва ҳоҳишлари, талаблари асосида турли хил касб эгаларини тайёрлаш мақсадида уқувчилар сонини 1998—99 йилларда 2000 тадан ошириш иштиёқида юрган М. Абдуллаевага омад тилаб қоламиз.

Саноатхон МАҲМУДОВА.  
Фаргона вилояти,  
Учқўприк туманидаги  
21-мактабнинг  
Олий тоифали уқитувчиси,  
Халқ Маорифи аълочиси.

Кузлари пешонаси билан бирга боғлаб қуйилган Самандарнинг олдига кириб борганимда хомуш утирган

уйинлигини билиб туриб уларни сотиб олиш учун ота-онамизни безор қиламиз. Мен Самандарнинг бу

### Сабоқ

билан утирибдилар. — Кейин осмон тула юлдузларни, чарақлаб

## ОЙИЖОНИМНИ



ҳолатида қайси мактаб, қайси шаҳар ёки қишлоқдан келганлиги билан қизиқмадим. Энг асосийси ҳозир унинг кўнглини кутариш келажакка умид билан қарашни мурғак қалбига жо қилиш, керак Тошкент шаҳридаги 5-болалар шифо-

турган кўёшни, китоб ва дафтарларимни

кўргим келяпти. — Қилган ишингдан афсусдамисан?

— Жудаям. Агар кузларимдан ажраб қолишимни сезганимда шу уйинни уйнамаган ва сотиб олмаган бўлардим.

— Соғайиб чиқсанг, уртоқларингга нима деган бўлардинг?

— Ҳеч ҳам Хитойда

## КЎРГИМ КЕЛАДИ

онажонисининг кузларида бир олам ташвиш борлигини даров сездим. Ҳа, болаларнинг шуҳлиги, ужаллиги баъзан бизни ранжитиб қуйиши табиий. Инсон кўрмасдан туриб бахтиёр булолмайди. Шундай экан, нега уз вақтида дуру-гавҳаримиз булган кўзимиз қадрига етмаймиз. Нега болалик деб булар — булмас ишлар билан шуғулланиб, Самандар сингари нохуш оқибатларни бошдан утказамиз. Хавфли

хонасининг кўз, касалликлари булими бу ёруғ хонаси Самандар учун қоп-қоронғу бир оламга айланган. У ҳозир фақатгина овоз ва шарпаларга қулоқ солади, олам ва одам кузларига бошқа дунё бўлиб кўринади.

— Самандар, нималарни уйлаб ётибсан, кимларни, нималарни кўргинг келяпти?

— Биринчи навбатда меҳрибон онажонимни. Мана уч кундирки, ёнимдан кўзларида жиққа ёш

ишлаб чиқарилган майда-майда пластмассадан ясалган уқчаларни сотиб олманг, унинг урнига фойдали ишлар билан шуғулланиб, ойи-жонларнинг гапларига қулоқ солинг-деган бўлардим. Шуҳлик, ужаллик ҳар бир болага хос хусусият. Лекин ҳар нарсанинг ҳам уз меъри, уз вақти — соати бор болалар. Эҳтиёт бўлинг!

Маъмура  
МАДРАҲИМОВА



12  
май**ҚАЛДИРҒОЧЛАРИМ**

Осмоним тўлдирган  
Қалдирғочларим,  
Сизданми безанган  
Симёғочларим.  
Нималар айтасиз  
Вижирлаб-сайраб?  
Истаган пайтингиз  
Учасиз яйраб.  
Қараган чоғимда  
Сиз қушларимга  
Эркинлик келадир  
Эс-қушларимга.

Мен ҳам учаверсам  
Ўлкама-ўлка,  
Ҳеч нарса солмаса  
Кўнглимга кўлка.  
Завқим баён этдим  
Эй, тилмочларим,  
Етарми гар ёзсам  
Ўз қулочларим?  
Қалдирғочларим,  
Қалдирғочларим.

**ДАРАХТДАГИ  
ШОХЧАЛАР**


Баҳорми безаган  
Сизларни  
шоҳчалар,  
Наздимда жудаям  
Сирлисиз шунчалар.  
Қарасам сиздаги  
Терилган куртакка  
Ўхшарлар чиндан  
ҳам  
Сеҳрли йўрғакка.  
Очмоқни истарлар  
Улар ҳам  
кўзларин.  
Намойиш этсалар  
Кўкламда ўзларин.  
Уйғониб нур излаб  
Гул кўзлар очилгай,  
Чарақлаб-ярақлаб  
Қувончим оширгай.  
Шоҳчалар  
қаддингиз  
Ҳеч кимса эгмаса,  
Истайман сизларга  
Заволлар тегмаса.  
Куртаклар гулидан  
Етилса мевангиз,  
Тотинса улардан  
Тер тўккан эгангиз.  
Ёзинг гул-барғчалар  
Шоҳчалар-  
шоҳчалар.

**БАХТГА ТЕНГИМ  
БАҲОРИМ**

Бағри  
кенгим, баҳорим,  
Бахтга тенгим  
баҳорим,  
Гул келтирган  
меҳмоним,


**Пўлат МҮМИН  
НАВРҮЗИМ**

Янги куним  
наврўзим,  
Кўшиқ бўлди дил  
сўзим.  
Яхшиларга  
бахтимни



Онадай  
меҳрибоним.  
Чаман  
салтанатимсан,  
Кўригим-  
санъатимсан.  
Кўрганамга минг  
шукур,  
Қадамингга  
ташаккур  
Орзудан яралганим,  
Куйлари  
таралганим.  
Гулингга гул  
улайин,  
Хизматингда  
бўлайин.  
Кезавер  
баҳоргинам,  
Йўқ асло сендан  
гинам.

Қилган куним кўз-  
кўзим.  
Ўз эрким ўз  
қўлимда  
Тенг келди тун-  
кундузим.  
Очилди бой  
чечаклар  
Чаман бўлди чўл-  
бўзим  
Бугдойзорлар  
барқ урар,  
Яйловларда қўй-  
қўзим.  
Байроғимда барқ  
урар  
Ўн икки бахт  
юлдузим  
Эй, наврўзим,  
оқлайман  
Юртим берган  
нон тузим.  
Омад олиб  
келавер  
Хизматдаман мен  
ўзим.



Расмдаги қушларнинг қайси  
бирлари дарахтда ин қуриб  
яшайди?

**ГУНЧАЛАР - ГҮЛГУНЧАЛАР**

Янги мактабда янгича орзу - умидлар билан билим олишга нима етсин. Шовот туманидаги Чигатойқалъа қишлоғида замонавий услубда қурилган 21-зиё масканида ана шундай орзули болажонлар таълим олишди. Мактабда турли фан тўғараклари каторида «Ёш қаламкашлар» тўғариги фаолияти ҳам ўзгача. Ойимхон Йўлдошева раҳбарлик қилаётган бу ёш ижодкорлар адабиёт сирларини, шеърият сеҳрини мукамал ўрганиб, гунча машқларини тенгдошлари эътиборига ҳавола этадилар.

Атак-чечак қадам ташлаб, шеърият бўстонида кириб келадиган бу ёшлар кунлар келиб катта чаманларни барпо этишига чин дилдан ишонамиз.

**ОБОД ДИЁРИМ**

Мен-ла, қувнайди  
офтоб?  
Кувончой НИЁЗМАТОВА,  
6-синф ўқувчиси.

Жоним диёрим  
менинг,  
Боғу-бўстоним  
менинг.  
Гулла, қалбимда  
яшна,  
Катта достоним  
менинг.  
Олам ҳавасин  
тортган,  
Обод юртимсан  
обод.  
Эзгулик нурун  
ортган,  
Озод юртимсан  
озод.  
Ортар дилимда  
ҳавас,  
Яқин дўстимдир  
китоб.  
Ундан тераман  
гавҳар,

**КЎЗИЧОҒИМ**

Кўзичоғим дикир-  
дикир,  
Мени қўймас:  
югур-югур,  
Сакраб-сакраб  
ўйнайди,  
Ўйнаб сира  
тўймайди.  
Осмонимиз тинчу  
ойли,  
Кўзичоғим зап  
чиройли.  
Куннинг кўзин  
қамаштирар,  
Юлдузларни  
адаштирар.  
Ял-ял жуни гажак-  
гажак,

Еганлари беда,  
печак.  
Гоҳо келиб  
суйкаланар,  
Укам каби  
эркаланар.  
Шўх, эркатой  
қўзичоғим,  
Кўнглим ёзар  
диққат чоғим.  
Ойбек ОТАХОНОВ,  
8-синф ўқувчиси.


**ЎЗБЕКИСТОН**

Ўзбекистон бир  
гул Ватан,  
Хатто қушлар  
севган чаман.  
Доимо бахт ели  
эсан,  
Хумо қушли гўзал  
маскан.  
Севган юртим  
пахтага кон,

Пахта берди  
шарафу-шон.  
Мева - қувонч каби  
ширин,  
Богбон билар  
бунинг сирин.  
Пайванд қилар  
қовун лабинг,  
Яйратади ҳам  
асабинг.  
Эркин яшар  
қушлар ҳатто,  
Шўх куйлари  
бўлмас адо.  
Жаҳон севган  
юртим чаман,  
Улғайиб бог  
яратаман.  
Бахридин  
КУТЛИМУРОДОВ,  
6-синф ўқувчиси.

**НАВРҮЗ**

Наврўз келди  
дўстларим,  
Чучмома қучоқ  
очар.  
Кўрганлар ҳавас  
қилсин,  
Варрагим кўкни  
қучар.  
Қозонларда  
сумалак,  
Қалбим каби  
қайнайди.  
Келди севинч-  
қушларжон,  
Завқдан кўзлар  
яйрайди.  
Русланбек  
МАТКАРИМОВ,  
5-синф ўқувчиси.



«Бўш ўтирма япмиз...»




# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



### БОЛАЛИКНИНГ ГУЛГА КИРГАН БАҲОРИ



#### УШБУ СОНДА:

Пешонадаги хол - ўғил болаларни ғайратли, қиз болаларни кўнгилчан эканлигини билдиради.

**ТАҚДИРИНГГА ХОЛ БИТУЛГАНМИ?**

#### 7-БЕТ

...қўлларига чойнак олиб чой сотаётган, курт, сақич, шоколад, ҳар хил ширинликларни автобусларда кўтариб юрган қизалоқларни-чи?

**ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЎЙҚ**

#### 8-БЕТ

Космосга бир кило юк олиб чиқиш учун 12-20 минг доллар маблағ сарфланарди. Америкалик олимлар бу ҳаражатни 2 минг долларга туширишни режалаштиришяпти.

**АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ЛОЙИҲАСИ**

#### 9-БЕТ

Отабекнинг жасурлиги, одоби, Кумушнинг гўзаллиги, ақлигидан ўрناк олсак бўлади. Отабек мулоҳазали йигитлиги туфайли уч мартаба ўлимдан қолди, Кумушни ҳам қутқарди.

**МУҲАББАТ - ЗўРГА ЎХШАЙДИ**

#### 10-БЕТ


Ёшлик йилларида Уолт Дисней ҳеч нарсага эга эмасди. Кейин эса бойиб кетади. Агар хоҳласа бемалол округ бўйлаб ҳашамли “роллс-ройс”да сайр қилиши мумкин эди.

**СИЧҚОН ЕТАКЛАГАН ОДАМ**

#### 11-БЕТ

**ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ**

#### 12-БЕТ







### **СОЛИҚ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Солиқлар - бу бюджетга тушадиган пул, (иқтисодий) ва қонун билан белгиланган мажбурий муносабатлардир. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Солиқ тўғрисидаги қонунлар Олий Мажлис томонидан тасдиқланган демократик муносабатлардир. Солиқлар миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ давлатнинг марказлашган пул фонди (давлат бюджети)ни ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

### **СОЛИҚЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ НИМАДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ?**

Солиқлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келтириб чиқарилади. Давлат олдида турган умумий жамият вазифаларига ҳозирги шароитда қуйидагилар киради:

- 1) аҳолининг кам таъминланган табақаларини (талабалар, нафақахўрлар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоя қилиш;
- 2) мамлакат мудрофаасини таъминлаш;
- 3) мамлакат фуқароларининг тинч меҳнат қилиш ва эркин яшаш муҳофазасини таъминлаш;
- 4) мамлакат ичида узлуксиз ижтимоий, маданий тадбирларни (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва бошқалар) амалга ошириш;
- 5) хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар ўрнатиш ва ҳ.к.;
- 6) бозор инфраструкту-

расини яратиш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ниҳоятда кўп молиявий ресурсларни талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва солиқ характериға эга бўлган тўловлар орқали амалга ошириш мумкин.

Ҳеч ким, яъни ҳуқуқий шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам "ижтимоий товарлар"ни истеъмол қилишдан бош тортмайди, ҳамма учун зарурлигини билади. Бироқ, алоҳида корхоналар бу товарлар учун ҳақ тўлашга қодир эмас. Шундай экан, мамлакат парламенти - Олий Мажлис бу аҳволни кўриб чиқиб, ҳукуматнинг жамиятга кўрсатадиган хизматлари ҳақини қоплаш учун мажбурий тўлов - солиқни жорий этади.

Солиқ демократик тўлов бўлиб, бозор муносабатларига ҳуқуқий асос билан жорий этилади.

### **СОЛИҚ ОБЪЕКТИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Солиқ объекти солиқ нимага солинади, деган саволга жавоб беради.

Солиқ объекти асосан 3 гуруҳга бўлинади: оборот, даромад ва мулк.

Аниқроғи - сотилаётган маҳсулот обороти, олинган фойда (ёки даромад), ер майдони, транспорт воситасининг қуввати (от кучидан) ва бошқалар солиқ объекти ҳисобланади. Объект қанча кўп, кенг ва катта бўлса бир хил солиқ ставкаси шароитида мамлакат солиқ оғирлиги солиқ тўловчилар ўртасида шунча пасаяди. Солиққа тортилган объект асосан солиқ номини ифода этади ва кўп ҳолларда солиқ манбаига мос келади. Масалан, корхона фойдасига солиқ солишда солиқ объекти ҳам, манбаси ҳам фойдадир. Фуқаролар даромади солигининг ҳам, солиқ объектининг ҳам манбаи фуқаро олган ялпи даромаддир. Солиқ объекти хилма-хил бўлиб, у бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсатиға боғлиқ бўлади.

### **СОЛИҚ НОРМАСИ ВА СОЛИҚ ОҒИРЛИГИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Бюджетга тўланган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми солиқ нормаси деб аталади. Солиқ нормаси даромад (фойда) суммаси, мол-мулк қиймати ёки товар сотиш обороти миқдориға қараб белгиланади.

Масалан, фуқароларнинг даромад солиғида солиқ нормаси фуқаронинг ҳар бир юз сўм олган даромадиға қараб 15, 25, 35, 40 фоизларда белгиланган. Бу солиқ ставкаси деб аталади.

Солиқ нормаси олдиндан қатъий (сўмда ёки фоизда), яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив, яъни солиқ объекти миқдориға қараб ортиб борувчи, ўзгарувчан шаклларда белгиланади. Солиқ оғирлиги корхона ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқли ва солиқсиз тўловлар йиғиндисидан ташкил топади. Солиқ оғирлиги баъзан амалиётда солиқ юки, деб нотўғри талқин қилинади.

Солиқ оғирлиги ҳамма солиқли ва солиқсиз тўловлар йиғиндисини, солиқ нормаси эса фақат бир солиқ ёки тўловнинг бюджетга ўтказиладиган қисмини ифода этади.

Барча тўғри солиқларда (фойда, даромад, ерга ва б.) солиқ оғирлигини тўловчиларнинг ўзи, яъни корхона, фирма, компания, бирлашма ва фуқаролар кўтаради.

Аммо шундай солиқлар борки, улар эгри солиқлар (ёки оборотдан олинандиган солиқлар) бўлиб, солиқнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот сотувчи, иш, хизмат кўрсатувчи корхоналар, аввало истеъмолчи корхоналар, пировардида эса улар товари (хизмати)ни истеъмол қилувчи аҳоли ҳисобланади.

Бундай солиқларға қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, конлардан фойдаланиш солиғи киради.

### **СОЛИҚ СУБЪЕКТАРИ БЎЛИБ КИМЛАР ҲИСОБЛАНАДИ?**

Субъект сўзи солиқ муносабатларида ҳуқуқий маънода киритилган. Солиқ муносабатларида қатнашувчи томонлар солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланади. Амалиётда кўпинча солиқ субъекти деганда солиқ тўловчиларнинг ўзи тушунилади. Аммо ҳеч қандай солиқ муносабатсиз бўлмайди. Муносабат бўлиш учун эса камида икки томон бўлади. Демак, солиқ

субъектлари бу солиқ тўловчилар (ҳуқуқий шахслар ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари)дир. Ёки солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида муносабат бўлади. Шу муносабатларда қатнашувчилар субъектлар бўлади ва субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

### **СОЛИҚ МАНБАЛАРИ ҚАЙСИ?**

Солиқ нима ҳисобидан тўланса, ўша нарса солиқ манбаи бўлади. Масалан, ерга солиқ солинганда, ер майдонини солиқ объекти ҳисобланса, ердан келадиган даромад унинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Лекин амалиётда ер солигини ундиришда

корхоналарнинг бошқа даромадлари (фойдаси) ёки фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан ҳам солиқ ундириш тартиби мавжуд.

Аксарият кўп солиқлар учун фойда ёки даромад солиқлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

### **СОЛИҚ БИРЛИГИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Солиқ бирлиги деганда, солиқ объектининг бир бўлаги тушунилади ва у бутун объектлар солиқ ҳисоблаш учун зарур бўлган меъёр вазифасини бажаради. Масалан, аҳоли ихтиёридаги ердан солиқ ундириладиганда - ҳар бир квадрат метр, корхоналар ердан - ҳар бир гектар (га) солиқ бирлиги билан ҳисобланади. Транспорт воситалари эгалари солиғида солиқ бирлиги от кучи ёки

киловатт - соат қуввати ҳисобланади.

Масалан 1м<sup>2</sup> солиқ бирлигига 3 сўм солиқ ставкаси бўлса, 300м<sup>2</sup> ер учун 900 сўм солиқ тўлашга тўғри келади. Бордию фуқарола 400м<sup>2</sup> ер майдони бўлса бир йилга 1200 сўм солиқ тўлаши зарур бўлади. Демак, солиқ бирлигини асос қилиб олиб, солиқ ставкасига кўпайтирилса, йиллик жами солиқ суммаси аниқланар экан.

### **СОЛИҚ СТАВКАСИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр солиқ ставкаси, деб юритилади. Бу ставка қатъий суммаларда ёки фоизларда объектга нисбатан қўлланилади. Масалан, шаҳар жойларида ҳар бир квадрат метрға 3 сўм ер солиқ ставкаси белгиланган. Бозор иқтисодиёти шароитида пул инфляцияси учун қатъий суммалардаги солиқ ставкаларини қўллаш анча қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам солиқ ставкаларнинг аксарияти фоизларда белгиланган. Масалан, 1996 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 17 фоиз, фойдага солиқ ставкаси 37 фоиз, мол-мулк солиғи ставкаси корхоналар учун йилига 2 фоиз қилиб белгиланган. Солиқ ставкалари пропорционал, прогрессив ва регрессив кўринишларда бўлиши мумкин.

### **СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИГАН МИНИМУМ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?**

Корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли даромадларининг солиқдан тамомила озод этиладиган қисми солиққа тортилмайдиган минимум деб юритилади. Бу минимум аҳоли даромадиға нисбатан кўпроқ қўлланилади. Бу ерда солиқ солинмайдиган минимум 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб 600 сўм эди, 1998 йил 1 январдан бу кўрсаткич дастлабки 750 сўм деб белгиланди.

Агар аҳоли даромадларининг солиққа тортилмайдиган минимум қисми ошиб борса, улар ишлаб топган даромаддан солиқ камроқ ундирилади, унинг эвазига аҳоли истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилиш имкониятиға эга бўлади.

### **ПРОПОРЦИОНАЛ СОЛИҚ СТАВКАСИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?**

Пропорционал солиқ ставкаси усулида фойда ёки оборотға эга бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бир хил пропорцияда (улушда) солиқ тўлайдилар. Бу ерда солиқ ставкаси қатъий ўрнатилган бўлиб, пропорционал равишда олинади. Масалан, корхона асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати 20000 сўм бўлиб, ундан ундириладиган солиқ ставкаси 2 фоиз бел-

гиланганда, солиқ суммаси ҳисобот йили учун 400 сўмни (20000\*2:100) ташкил этади, бордию шу қиймат 50000 сўм бўлса, солиқ суммаси 1000 сўмни ташкил этади ва ҳ.к.

Бундай ҳоллар аҳолини ошиқча даромад топиб, уни омонатға қўйиш ёки қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиб, республика иқтисодиёти учун инвестиция манбаи яратишға қизиқтирмайди, ундамай-

ди. Чунки, меҳнаткаш даромади ортиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Натижада камроқ даромад топиб, ундан камроқ солиқ тўлаш маъқулроқ бўлиб қолади. Шунинг учун савдо ва бошқа соҳаларда ишбилармонлик билан шуғулланувчилар савдо оборотини, даромадини яширишға ҳар хил йўллар билан ҳаракат қиладилар. Лекин қатъий иш ҳақи (даромад) олиб ишловчи ишчи ва хизматчилар бундай қила олмайдилар.





## Ньютоннинг эътирофи

### „ЎЗИМГА ЗАРУР НАРСАЛАРНИ ЎЗИМ ЯРАТДИМ“

Исаак Ньютоннинг (1643-1727) аслантирувчи телескопи Англияда жуда катта муваффақият қозонди. Ҳатто, қирол Карл IIнинг ўзи ҳам бу мўъжизали асбобни синчиклаб ўрганди. Қирол бошқа муҳим ишларидан ҳам вақт ажратиб телескопда юлдузлар ва бошқа сайёраларнинг ҳаракат ҳолатларини кузатишга одатланди.

У 1672 йили бу мўъжизали асбобни Лондон Қироллиги академиясига топширди ва Кембридж вилоятилик унинг ихтирочисини академия аъзолари сафига шахсан тавсия этди.

Анча йиллардан сўнг олимнинг хиянларидан бири Кондунт ҳам телескоп тарихига қизиқиб қолди.

- Айтингчи, сизнинг бу антика телескопингиз ойнасини ким ясаб берган, - сўради у Исаак Ньютондан.

- Мен, ойнани ўзим ясаганман, -



деб берди олим самимият билан.

- Ахир, сиз уни ясайдиган асбобларни, дастгоҳларни қаердан олгансиз?

- Асбоблару дастгоҳларни ҳам ўзим ясаганман, - изоҳлади Ньютон. - Агар менга кимдир қачондир ниманидир ясаб беришларини кутиб юрсам, умуман ҳеч қачон, ҳеч нарса яратолмай қолиб кетардим.

### ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Шарқ халқлари орасида гулларнинг қанақа маънолар англатиши ҳақида тушунчалар тизими мавжуд. Уларнинг мужассами гуллар ҳақидаги бутун бир фанни ташкил этади, дейиш мумкин. Бу Оврупо халқлари орасида ҳам кенг ёйилган. Гуллар илмининг бир соҳаси уларнинг ранги ифодалайдиган мажозий маънодир.

Сариқ ранг - айрилиқ.

Қизил ранг - муҳаббат рамзи.

Зарғалдоқ ранг - манманлик ва нафсоният.

Сийёх ранг - дўстлик, хайрихоҳлик.


Мовий - соғинч ва садоқатдан сўзлайдилар.

Гилос ранги севги-муҳаббат, оқ чиннигул ишончдан, қизил чиннигул - эҳтирос, нилуфар - поклик, бўтақўз - ишонч, қўқонгул - қайғу, бедагул - кутиш туйғуларининг тимсоллари ҳисобланади.

Гуллар ва уларнинг ранглариинг гўзал сўзларини тингламоқчи бўлсангиз, халқимиз яратган қўшиқларга қулоқ солинг, Алишер Навоий, Лутфий ва Нодира ғазаллари мағзини чакинг...

## Маслаҳатхона

### ЭШИК-РОМЛАРНИ ЮВИБ ЯРАҚЛАТИБ ҚЎЙДИНГИЗМИ?



Ниҳоят, ёгин-сочинли, шамол-тўзонли кунлар ортди қолди. Энди уй кўтариб, ҳамма ёқни ярақлатиб қўйиш фурсати етди.

Йигитлар! Ораста қизларжон! Дераза ромларини тозалаб, ойналарни ярақлатиб қўйишни унутмадингизми? Ойнани артиш-ку, эсингизда тургандир, лекин ҳойнаҳой, эшик-дарвозанинг пастки қисмини айниқса, унинг тутқичи атрофидаги доғларни кетказиш мумкинлиги кўпчиликнинг эсига келмайди. Бўялган тахтадаги доғ артган билан кетмайди, унинг устидан бўяб юбориш керак, деб ўйловчилар ҳам топилади.

Унчалик эмас, азизлар. Қўйида худди шу борада сизга асқотиши мумкин бўлган маслаҳат бор. Ўқиб қўйинг, зотан керакли гапнинг ортиқчаси бўлмайди.

Эшик ва дераза ромларини нашатир спирти аралаштирилган илиқ сувда ювилади. Бунда 1 литр сув ҳисобига 1 ош қошиқ нашатир спирти қўйиш керак. Ишни оддий, аъъанавий усулда ювишдан бошлаш зарур. Яъни, аввал эшик-ромларнинг пастки қисмлари, сўнг юқори қисмини ювиш тавсия этилади. Негаки, оққан кир сув доғини куруқ юзадан кетказиш қийин. Ҳозиргина ювиб тозаланган, хўл қуйи қисмга оққан оқва изини тозалаш осонроқ.

Шу боис, эшик-ромларнинг ҳамма ёғини аввал бир сідра илиқ сувда хўллаб, кейин тозалашга киришилса, айни муддао бўлади. Кейин уларни куригунча юмшоқ латта билан қайта-қайта артиш зарур.

Дераза ромлари ва эшикларининг қаттиқ кирланган жойларини қуйидагича тозалаш керак: 1 қисм совунли сувга ўшанча миқдорда нашатир спирти қўйилади. Сўнг, унга буктирилган латта билан оҳиста артиб чиқилади. Рангли бўёқда бўялган эшик-деразаларни тозалаш учун куюқ дамланган чойни (1 литр сувга 2 чой қошиғида куруқ чой солиб дамланган аралашмани) доқадан ўтказиб, сувида хўлланган латта билан ишқаб артиш кифоя.


Дераза ромларини ювишни аввал хона (ичкари) томонини тозалашдан бошлаш зарур.

Мойли бўёқда бўялган эшик-ромлар ялтираб турсин десангиз, ювиб бўлгач, уларни жиндек ўсимлик ёғига текизиб олинган латта билан артинг. Жудаям хиралашиб кетган бўёқ ранги очилиб, ялтиллаб кетиши учун ювилган эшик-ромларни уксусланган қипиқ билан ишқаш талаб этилади. Бунинг учун ғалвирдан ўтказилган бир банка ёғоч қипиғига 2 ош қошиқ уксус аралаштириш кифоя.

Ромларда қотиб қолган замазка қолдиғига эса машина ёғи суртиб қўйиб, эртасига артилса ундан асар ҳам қолмайди.

## Оддий арифметика

### МИШ-МИШНИНГ ҚАНОТИ УЧҚУР



Аҳолиси 50 минг кишилик шаҳарчага пойтахтдан бир киши меҳмонга келди. У ҳаммани қизиқтирадиган антика бир гап топиб келибди. У келганида соат эрталабки 8 эди.

Меҳмон кўноқ бўлган хонадонда атиги 3 киши истиқомат қиларди. Пойтахтлик одам соат 8 дан 15 дақиқа ўтган вақтда ўзи келтирган янгиликни 3 мезбонга айтди. Демак, 15 дақиқадан сўнг янгиликлардан хабардорлар сони 4 киши бўлди.

Янги гапни яшитган бу 3 кишининг ҳар бири ҳам ўз навбатида уни ўртача 3 кишиданга хабарлади. Бу орада уларга 15 дақиқа, яъни чорак соат вақт кифоя қилди. Шундай қилиб, шаҳарлик меҳмон келтирган янгиликдан ярим соат ичида 13 киши  $(4+(3 \times 3)=13)$  огоҳ бўлди.

Хушxabардан огоҳ бўлган 9 кишининг ҳар бири ҳам ўз навбатида 3 киши қулоғига шипшитди, дейлик. Шу тахлит, соат чорак кам тўққизда янгиликдан хабардор кишилар сони 40 нафарга  $(13+(3 \times 9))$  етди.

Агар миш-миш мана шу зайл тарқалса, яъни янгиликни эшитган ҳар бир киши уни яна 3 кишига етказса ва бунга чорак соатдан (яъни, 15 дақиқадан) вақт кетадиган бўлса, шаҳарга гап тарқалиши қуйидагича давом этади:

Соат 9 да янгиликдан  $40+(3 \times 27) = 121$  киши;

9 дан 15 дақиқа ўтганда  $121+(3 \times 81) = 364$  киши;

9 яримда  $364+(3 \times 243) = 1093$  киши;

9 дан 45 минут ўтганда  $1093+(3 \times 729) = 3280$  киши;

10 да  $3280+(3 \times 2187) = 9841$  киши;

10 дан 15 дақиқа ўтганда  $9841+(3 \times 6561) = 29524$  киши.

Демак, орадан бир ярим соат ўтар-ўтмас хушxabардан бутун шаҳар аҳолиси хабар топаркан.

### ТАҚДИРИНГА ХОЛ БИТЦЛГАНМИ?

Танамиздаги холлар ҳақида турли афсонаю ҳақиқатлар юради. Инсон танасида холнинг пайдо бўлиши шундай бошланган экан.

Кунларнинг бирида гўзал малика бир камбағал чўпонни севиб қолибди. Йигит унинг муҳаббатини кулгу билан рад этибди. Қиз ухлаб ётган ўсмир билан бир умрга хайрлашиб, уни ўпибди. Шунда, маликанин кўзларидан оққан ёш унинг юзига томиб, ўрнида юлдуздек қора доғ қолдирибди. Шу-шу инсон вужудида хол пайдо бўлган экан.

Одамлар ҳар доим ҳам холга жуда катта аҳамият берганлар. Айниқса, Хитой ва Тибетда киши соғлиги ҳақида фикр юритилганда хол ҳаммиша диққат марказда туради. Кўпчилик холларга қараб, киши характерини аниқлаш ва тақдирдан бохабар бўлиш мумкинлигига ишонишади.

Ўғил болаларда тананиннг ўнг қисмида жойлашган холлар келажакдаги ишларидан дарак бериб туради. Қиз болаларда эса чап томондагиси.

Холларнинг вазифасини аниқлашда Ричард Саундерс 1671 йилда ёзган усуллардан фойдаланиш кенг тарқалган. Замоनावий тадқиқотлар бу усулни янада бойитмоқда.

Шундай қилиб, гардан ва бош томондаги холлар катта иқтидор эгаси эканлигингиздан, келажакда ишбилармон ташкилотчи бўлишингиздан далолат беради.

Пешонадаги хол - ўғил болаларни ғайратли, қиз болаларни кўнгилчан эканлигини билдиради.

Кўз атрофидаги холлар оғир-босиқлик, оилада тежамкор бўлишдан далолат.

Юздаги холлар: ўнг томондагиси, муҳаббат можароларига бой бўлишдан, чап юздагиси иқтисодий қийинчиликнинг белгиси экан.

Бурундаги хол ҳаётда кишига омад кулиб боқишдан дарак беради экан. Бурунда хол қанча кўп бўлса, имкониятлар шунча бисёр бўлар экан.

Лабдаги холлар очиқ кўнгиллик,



қувноқликдан нишона. Лабда холи бор киши ҳиссиётли, ҳаммани эътиборида бўлишни яхши кўрадиган, хушхўр, ўйин-кулгу шайдосилигиндан далолат.

Бўйиндаги холлар - бақувват ва соғлом кишиларда кўпроқ учраб экан.

Кўкракдаги холлар - жаҳонгашта бўлишлигингиздан хабардор қилар экан.

Чап кўкракдаги холи бор одам муҳаббати доимо ғолиб.

Ўнг қўлдаги холлар сизга бойлик ваъда қилади. Чап қўлдагиси - исрофчи ва шовқинли ўйинларга ўчликдан далолат.

Елкасида холи бор кишиларга омад ҳаммиша кулиб боқади. Улар мулоҳазали, ҳал қилувчи, ҳазилни яхши тушунадиган бўладилар.

Кафтдаги қора холлар ҳам ишда тез ва омадли кутарилиш, бахт, бойликнинг белгиларидир.

Киши тақдирини белгилашда хол ранглариинг ҳам аҳамияти бор экан.

Қора холлар соғломлик ва иш юришувни;

Оч ранглилар сушт ҳаракатлиликни, қизил холлар эса ҳиссиётли, таъсирчанликни билдирар экан.

Холлар ҳақидаги маълумотларга ишониб тақдирингизга мутлақо бифарқ ҳам бўлмаслигингиз керак. Чунки, келажакимизни ақл-идрок, изланиш ва меҳнат билан яратамиз.





## МУШОҲАДА

Бир куни биттасини етаклаб, далага олиб чиқиб, помидорни кўрсатишибди-да, "бу нима?" деб сўрашибди. "Олма" деб жавоб берибди ҳалиги.

Бундай ибтидодан муддао шуки, ҳар бир нарса ҳақида айнан белги берган маъкул. Яна ўша унсур ҳақида озгина маълумотга эга бўлмоқ ҳам керак. Адолат Комилова Бўз тумани, Навоий номидаги жамоа хўжалигидаги 2-ўрта мактабда ишлайди. Унинг таҳририятимизга йўллаган дараклари худди ўша айнанлиги ва маълумотлилиги билан ажралиб туради. Чунки, у "олма"ни "помидор" ыдан, "помидор"ни "олма"дан ажрата олади-да.

Қуйида таважжухингизга унинг шу тахлитыдаги бир сиким мақолаларини тақдим этамиз.

**"Пилла - бир кафт тилла" деб бежиз айтилмайди. Шу кунларда ипак курти боқиш ва пилла етиштириш ишлари айни авжида. Ипак куртини боқиш, бир қараганда, унчалик қийин эмасга ўхшаб туюлади. Лекин бунинг ҳам ўзига яраша машаққати ва завқи бўлади. Биз худди шу масала бўйича Бўз тумани А.Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи Ибрагимовлар хонадонидида бўлдик. Биз кириб борганимизда Санобархон ая нон ёпаётган экан. Унинг икки ўғли - 9 синф ўқувчиси Қосимжон ва Фуломжонлар куртларга барг солиш билан машғул эдилар. Биз, 6-синф ўқувчиси Фуломжон билан куртларни томоша қилдик ва ипак куртини боқиш сирлари ҳақида Фуломжон билан суҳбатлашдик.**



## ИПАК ҚУРТЛАР ЁМҒИРИ

- Фуломжон, ипак куртини боқиш зерикарли иш эмасми?  
- Йўқ, нега зерикарли бўларкан.  
- Кеча-кундуз барг солиш барибир қийин-да. Ойинг саҳарлаб уйғотганда ҳечам тургинг келмаса керак?  
- Мен фақат кундузи барг солишаман.  
- Кечаси куртларга ким қарайди?  
- Ойим, акам, келинойим.  
- Баргларни ким териб келади?  
- Акам билан мен териб келамиз. Биз йўқ вақтларда эса баъзан келинойим.  
- Неча йилдан буён курт

боқасизлар?  
- Уч йилдан бери.  
- Фуломжон, барг солаётганнингда куртларни кузатасанми?  
- Ҳа, уларни кузатишни ёқтираман. Айниқса, улар барг ейман деб ҳатто полга ҳам тушиб кетишади. Шунда мен ёки акам уларни териб ўз жойига қўямиз.  
- Менга ипак курти қандай барг ейишини гапириб бера оласанми?  
- Майли. Умуман курт ҳам бир жонивор. Унинг ҳам ўзига яраша нафси бор. Лекин ипак куртлар жуда бесабр бўлишади. Биз баъзан баргни етказиб улгуролмай қоламиз. Шундай пайтларда улар қан-

дайди майин овоз чиқаришиб у ёқ бу ёқдан барг қидиришади.

Улар шитир-шитир қилиб, баргни тез-тез ейишади. Баргни солишимиз билан эса шунақа чақонлик билан ҳаракат қилишадики, ҳозиргина барг солган жойимизда бир зумда яна оппоқ бўлиб фақат куртларнинг ўзигина қолади.

- Раҳмат. Сенга охири савол. Айтчи, катта бўлганингда машҳур пиллакор бўлишни хоҳлармидинг?  
- Йўқ, пиллакор бўлмоқчи эмасман. Мен тадбиркор бўлишни орзу қиламан. Пулинг кўп бўлса, "Нексия" машиналарда кўчаларда айланиб юрсанг. Ҳамма сенга ҳавас билан қараса, мазза.

- Эҳ-ҳе, орзуларинг каттаку.  
- Ҳа, орзуга айб йўқ.  
- Тўғри, гапингга қўшиламан. Бўпти, омон бўл, тадбиркор. Сенга омад тилайман.

Биз Фуломжон билан хайрлашиб, пиллахонадан чиқар эканмиз, жамоа хўжалиги агрономига дуч келдик. Агроном ипак куртини боқётган оилаларга аванс пул тарқатиб юрган эканлар.

Ҳа, ипак курти боқиш ҳам осон иш эмас экан.

## Йўл бошида турганлар

### ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

Мана, ҳаммамиз орзиқиб кутаётган ёз фасли ҳам яқинлашмоқда. Ёз, айниқса, болалар учун энг севимли фасл. Бу вақтда лагерларга, оромгоҳларга дам олиш учун йўл оласиз. Яшил тоғ ёнбағирларига, ҳар хил кўнгилочар жойларга саёҳатга борасиз.

Лекин беш бармоқ баравар эмас. Ота-онаси бой, ёхуд ўзига тўқ оилада вояга етаётган болалар оромгоҳларга дам олгани борадилар. Аммо, айрим болалар ёзда бекор юргиси келмай, аксинча, улар бу вақтда фойдали меҳнат қиладилар.

Бозорларда ёхуд кўча-кўйларида сув, музқаймоқ, айрэн сотиб юрган болаларни учратганмисиз? Ёки қўлларига чойнак олиб чой

сотаётган, курт, сақич, шоколад, ҳар хил ширинликларни автобусларда кўтариб юрган қизалоқларничи? "Газли сув" деб ёзилган дўкончалар ёнида эртдан кечгача сув сотиб ўтирувчи, ўтган-кетганларни маҳсулотига қаратиб турувчи болакайларни ҳеч кузатганмисиз? Ана шунақа. Биз ҳаммамиз ўзимиз билан оворамиз. Баъзан улардан куламиз ҳам. Аммо, шошилманг. Ахир бундай болакайлар меҳнат қилиб пул топганларидан хурсанд. Тирикчиликнинг эса айби йўқ.

Замон ҳамиша бир хил туравермайди. Балки, бу меҳнаткаш, уддабуррон тенгдошларингиз бир кун келиб бой-бадавлат тадбиркорларга айланиб ке-

тишар.

Кимдир менга айтганди: Фарб мамлакатларидаги миллионер, миллиардерлар болаларини Осиё, Африка ҳудудларига олиб бориб қўйишармиш. Бу ерларда болакайлар ҳамоллик, сув ташийдиган мешкобчи ё бўлмаса, кўчада ўтириб ўтган-кетганнинг оёқ кийими чангини артиб қўйувчи бўлиб ишлашаркан. Меҳнат қилиб пул топишгач, топган пулини ўринли сарфлашга ўрганишар экан. Шунақа 8-10 йиллик қора меҳнатдан кейингина улар ўз уйларига қайтишга рўхсат олишаркан. Меҳнаткаш, топармон ва тежамкор ўғил-қизларгагина миллионерлар ўз фермаси, завод-фабрикаси ёки компаниясини ишониб топширар эканлар.

## ҚОРНИНГ ҚАЛОВИНИ ТОПГАНЛАР

Бўз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигидаги 2-ўрта мактабнинг биноси ишга тушганига 4 йил бўлди. Дастлабки йилларда у барча қишлоқ ёшларининг фахр ва қувонч билан тилга оладиган азиз маскани эди. Бу ердаги ўқув хоналари, зал ва ички саҳн замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланган. Дам олиш хоналари, спорт зали, ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжлари учун етарли даражада десак хато бўлмайди. Айниқса, бинонинг оппоқ деворига меҳр ва ҳавас билан туширилган нақшлар, ёзувлар барча-барчани бирдай ўзига тортарди. Мактаб жамоаси ҳар бир ўқув йилини алоҳида тайёргарлик ва масъулият билан ўтказарди. Лекин бу йил қишнинг қаттиқ келиши, айниқса баҳор бошларида қор ва ёмғирнинг ҳаддан ташқари кўп ёққанлиги сабабли мактаб биносини томининг айрим жойларида ёриқлар пайдо бўлди. Бу ёриқлар аста-секин кўпайиб, қор ва ёмғир сувлари бино ичига сизиб туша бошлади. Натижада, мактаб аввалги ҳолатини бутунлай йўқотиб қўйди. Бундан ташвишга тушган мактаб жамоаси шу йил ёз ойларида ўз ҳисобларидан уни таъмирлашни режалаштиришди. Бунда, айниқса 11 ва 9-синф битирувчи ўқувчилари фаол қатнашмоқдалар. Улар жамоа хўжалигига қарашли ерлардаги пахта ишларига, бугдой ва полиз экинларини бегона ўтлардан тозалашга қўлдан келганча ёрдам бермоқдалар. Мактаб ер участкаси эса ўқувчилар ғайрати би-

лан ўсаётган полиз экинлари ҳам барчани ҳайратга соладиган даражада. Улар бу ишларни меҳнат дарслари ва дарсдан бўлш вақтларида бемалол ўгуришяпти.

Маълумки, ҳозир қишлоқда айни иш қизиган палла. Айниқса, плёнка остида пахта етиштирилишининг ҳам ўзига хос болаларбоп ишлари бор. Тадбиркор ўқувчилар бу ишда ҳам ўз вақтида ота-оналарига кўмак бермоқдалар. Хўжалигимиз 1-бригадасига қарашли майдонидан мактаб учун 5 гектар ер олинган. Ҳозир бу майдонда ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан барча ишлар жой-жойига қўйилган.

Хўш, бу меҳнаткаш ўқувчилар шунча ишларни бажаришаётган бўлса, қандай қилиб мактабни таъмирлашар экан, деб ўйларсиз. Ахир таъмирлашга жуда катта маблағ керак, улар буни қаердан олишади деган саволни берарсиз! Ҳамма гап шунда-да! Аввал айтиб ўтганимиздек, ўқувчилар жамоа хўжалигига фаол ёрдам бермоқдалар. Қишлоқ ўқувчилари ҳам содда эмаслар. Улар ўзлари бажаришаётган бу ишларнинг ҳисобини пухта қилиб белгилаб қўйишган. Жамоа хўжалиги ўқувчиларнинг ҳар бир ёрдами учун пул тўлайди. Бундан ташқари, полиз экинлари етилгач, бозорда сотилди. Табиийки, барча пул мактаб жамғармасига ўтказилади. Шундай қилиб, таъмирга пул топиш масаласи ҳал бўлди, деяверинг.

## Манманликми ёки...



Халқимизда, "Пул бўлса, чангалда шўрва" деган мақол бор. Менимча, бу унчалик тўғри гап эмас. Одам пул топишни ҳам, пулни сарфлашни ҳам яхши билиши керак. Чунки, пул кундалик эҳтиёжимиз учун зарур нарса. Буни ҳатто 2 ёшга қадам қўяётган болакай ҳам билади. Лекин, керак-нокерак нарсаларга пулни сарфлаш аҳмоқона иш. Бундан фақатгина зарар бўлиши мумкин. Мана яқинда қуйидаги воқеанинг гувоҳи бўлдик.

Автобусда чипта сотаётган киши бир йўловчидан йўлқира ҳақини сўради. Йўловчи битта 25 сўмликни берди. Чипта сотаётган

киши эса пулни олди, қараса, пулнинг бир чети йиртиқ. Йўловчи пулни икки буклаб берган эди. Сотувчи бироз ўйланиб қолди ва йўловчига чипта билан қайтимини берди. Кейин сотувчи яна бошқа бир йўловчининг олдига борди. Сочлари калта, кўзойнак таққан бир ўзбек аёли чипта учун 50 сўмлик узатди. Сотувчи суюниб ҳалиги йиртиқ 25 сўмликни чипта билан қай-

тимлар орасига қўшиб берди. Аёл пулни олди ва чўнтагига солаётганда ҳалиги йиртиқ пулни кўриб қолди. Аёл кўзойнагини шартта олдида, чипта сотаётган кишига қараб ўшқира кетди.

- Нега менга йиртиқ пул бердинг?  
Сотувчи жавоб айтишга оғиз очган эди, аёл кўлидаги пуллар билан билетни майда-майда қилиб йиртиб, сотувчини юзига отди. Сотувчи ҳижолатдан қизарганча олдинга ўтиб кетди.

Хўш, сиз бу воқеага қандай қарайсиз? Йўловчи аёл тўғри иш қилдими? Айб кимди?





## 1941 - 1945

**Унутманг**

### Иккинчи жаҳон уруши қандай бошланган эди?

Ўттизинчи йиллар охирида нацистлар кўпгина Оврупа мамлакатларини ўз қўлига олиш режасини тузишди. Уларни тўхтатиш ниятида 1939 йили Англия ва Франция Германияга қарши уруш эълон қилди. Бироқ, фашистлар агрессияси тобора авж олаверди. Ниҳоят, 1941 йили АҚШ ва собиқ СССР Англия ва Франция томонига кўшилди (бу уруш жараёнининг кўпгина тафсилотлари сизга маълум). Ниҳоят, 1945 йилнинг 9 май куни Германия таслим бўлгани ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйди.

### ОСМОНИ ЎЙҒОҚИ ЖОЙЛАР

нарсанинг ўз меъёри бўлгани яхши. Масалан, биз 2-3 кун ёмғир ёгса, зеркиб кетамиз.

Аммо... Дунёда 2 та "сабр-тоқатли" одамлар ватани бор. Бири - Ҳиндистонда Ҳимолай тоғи этакларида жойлашган Черрапунжи қишлоғи бўлса, иккинчиси - Парагвайдаги Паран дарёси делтасидаги ерлар. Бу жойларда ёмғир йил бўйича тўхтамай ёғади.

### БИРИНЧИ АТОМ БОМБАСИ ЯПОНИЯ ХУДУДИДА ПОРТЛАГАН ЭДИ

Биринчи ядро қуролини АҚШ қўллаган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Япония Германия томонида туриб ҳаракат қилган эди. Шу сабабли АҚШ 1945 йили Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлади. Шаҳар ёниб, олов-тўзондан иборат улкан кўзиқорин ер осмонни туташтирди. Шаҳарлар ўрнида култепалар қолди. Одамлар ер билан яксон бўлишди. Тирик қолганлар эса мангу ногирон бўлиб қолишди.

### БИРИНЧИ БУТУН ЖАҲОН ЁШЛАР ҲАММАГА РОЛПА-РОСА 2 ОЙ ВАҚТ ҚОЛДИ

Болалар! Москва шаҳри яқинида Олимпия шаҳарчаси борлигини биласиз. Бу шаҳарча 1980 йилда Москвада бўлиб ўтган спорт олимпиадаси муносабати билан қурилган эди. Энди унинг яқинида Олимпия қишлоғи ҳам бунёд этилмоқда. У болалар ва ўсмирларнинг яшаши, дам олиши ва турли спорт мусобақалари ўтказиши учун мўлжалланган. Негаки, шу йилнинг 11-19 июль кунлари Россия Федерациянинг пойтахт вилоятида дунё аҳамиятига молик яна бир спорт байрами бўлиб ўтади.

Биринчи Бутун Жаҳон Ёшлар Ҳаммага Ролпа-Роса Олимпиаданинг ватани - Грецияда ёқилди. Уни сайёрамизнинг энг мохир ёш спортчилари Москвага олиб келадилар. Ўйинларда Европа, Осиё, Австралия, Африка ва Америка қитъалари, дўстона куч синашадилар. Бир сўз билан айтганда, бу тадбирда дунёнинг 150 мамлакатидан келадиган ёш йигит-қизлар беллашади.

Яқинда Халқаро Олимпия қўмитасининг раиси Хуан Антонио Самаранч Москва шаҳрида бўлди. У Москвадаги тайёргарлик ишларидан мамнун бўлди. "Биринчи Бутун Жаҳон Ёшлар Ҳаммага Ролпа-Роса Олимпиада айланганига шубҳа йўқ", - деди Х.А.Самаранч.

Ўйинлар давомида спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар бўлади. Беллашув-

### БУҒ МАШИНАСИ НЕГА ИСЁНГА САБАБ БЎЛГАН ЭДИ?

ХИХ аср бошларида Оврупадаги тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва саноатда буғ машиналари қўлланила бошланди. Поездлар буғ машинаси ёрдамида юра бошлади, пароходлар ҳам шу машина туфайли сузди, автомобилга ҳам бошқа ҳаракатланувчи куч керак бўлмади қолди. Шунингдек, кон ва шахтадаги қазув ишлари ҳам буғ машинаси таянди.

Шу қадар кўп соҳада енгилликлар яратган буғ машинаси дунёга келган давр тарихда саноат инқилоби даври номи билан қолди.

Бундай машинанинг ҳар бири ўнлаб, юзлаб ишчининг ўрнини босди. Ер юзидеишсизлар сони кўпайиб кетди. Натижада ишчилар бу тилсиз машинага қарши исён кўтардилар.

### ҲИНДУЛАР ҲАМ ҚАЙРИЛГАН БЎЛСА...

**ёки сочини қорага бўяган**

Учи қайриб қўйилган ўқ эгаси қазо қилганлигини аңлатади.

Агар, ҳарбий киши сочини тим қорага бўяб олган бўлса, билинги, у она тупроғидан босқинчиларни ҳайдаб чиқаришга бел боғлаган.

### ОЛТИ МЕТРЛИК „ЧАҚАЛОҚ“

Биласизки, кит - энг катта сўтэмизувчи жонзот. Кўк китларнинг бўйи 30 метрдан ҳам узун, оғирлиги эса 120 тоннагача бўлади. Бу 1 та кит 25 та фил оғирлигига тенг дегани. Лекин янги туғилган китча унчалик ҳам ҳайбатли эмас: бу чақалоқларнинг бўйлари 6 метр бўлади, холос. Оғирлиги эса (уни топиш - Сизга ҳавола!).

### АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ЛОЙИҲАСИ

**Космосга бир кило юк олиб чиқиш учун 12-20 минг доллар маблағ сарфланарди. Америкалик олимлар бу ҳаражатни 2 минг долларга туширишни режалаштиришяпти. ЛЕКИН...**

Маълумки, АҚШдаги космонавтика ва астронавтика ишлари дунёдаги барча мамлакатлардан устун туради. Буни яширишнинг, тан олмасликнинг иложи йўқ. Балки шунинг учун ҳам бу мамлакатнинг шу соҳа бўйича марказлашган ташкилоти НАСА ўз изланишларини, кашфиётларини узоқ вақтлар сир тутди (аслида ҳар қандай кашфиётни сир тутишга ҳар бир давлатнинг ҳаққи бор!). Бу - АҚШнинг ўз иши.

Лекин НАСАда яратилган ва яқин келажакда амалга ошириш режалаштирилаётган бир лойиҳа юзасидан жаҳон жамоатчилиги безовта. Яъни, "Х-33" деб номланган янги лойиҳадаги аппарат тўғрисида куйидаги маълумотлар бор: унинг учувчи қисми оғирлиги 123 тонна, узунлиги - 20 метр, кенглиги 21,5 метр. Унга тамоман янгича принципда ишлайдиган 2 та двигателъ ўрнатилган бўлиб, улар аппаратнинг ўта учқурлигини таъминлайди. Ёзишларича, "Х-33" нур тезлигидан 15 марта тез ҳаракатланади.

### САККИЗ КЎЗЛИ ЖОНЗОТ


Ўргимчакнинг кўпгина турларининг саккизтадан кўзи бор. Лекин бу кўзларнинг ҳаммаси ҳам бир вақтнинг ўзида ишлатилмайди. Масалан, чопқир ўргимчак ўз ўлжасини кўриш чоғида бошқа кўзини, уни мўлжалга олганда бошқа кўзини, сакрашда бошқа, ҳамлада бошқа, ўлжа олишда яна бошқа кўзини ишга солади.





## ҲАСАН „ПОЛВОН“ НЕГА АРАЗЛАДИ?!

(хикоя)



Ҳасан билан Хусан - эгизак болалар. Улар кўп қаватли уйлар яқинидаги ховлилардан бирида яшади. Бу йил 4-синфдан 5-га ўтишади. Ташқи кўринишлари бири-бирига жуда-жуда ўхшаса ҳам, негандир одатлари ўхшамайди. Ҳасан дангасароқ. Дадаси, ойиси иш буюрса, бирон баҳона топиб, кўчага югургилаб қолади. Хусан эса ҳар бир ишни яхшироқ бажаришга ҳаракат қилади. Мактабдаги ўқиши ҳам акасиникидан яхшироқ. Шунинг учун бўлса керак, дадаси Ҳасанни „полвон“ деб кесатади. Хусанни эса „тадбиркор“ деб эркалайди. Бирон кийим олиб беришадиган бўлса, дадаси ҳам, ойиси ҳам иккаласига бир хилдагисини олиб келишарди. Бироқ, бу сафар байрамга Хусангагина ботинка олиб келишди.

- Барака топсин Хусан. Редискадан топган пулига ойлигимдан озгина кўшиб, ўзига ботинка олиб келдим. Ойиси, худода шукр, ўғилларимиз ёнимизга кириб қолди, - деди дадаси гурурланиб кўлидаги тўр халтани айвон четига қўяркан.

Хусан ховлиқиб, янги ботинкани кийиб олди.

- Раҳмат, дадажон! Оёғимга жуда лойиқ экан.

Хусан айвоннинг олдида у ёқдан бу ёққа гердайиб юриб кўрсатди. Ўзига ботинка йўқлигидан хафа бўлиб, Ҳасаннинг бурни осилиб кетди.

- Эсингиздами, ўтган кузда „Ҳасан, сен гилос тагидаги ерни, Хусан сен ўрик тагидаги ерни чопиб берсаларинг, редиска ва ош кўклар экиб бераман, дегандим. Тўғрими? - эслатди дадаси. - Хусан (барака топсин!) ҳар куни эрталаб ўзига ажратилган ерни оз-оздан чопиб қўйди. Кўйхо-

надаги қийларни ерга олиб чиқиб сочди. Сенчи, „полвон“, дангасалик, ўйинқаролик қилдинг. Бир-икки марта ер чопишни эслатсам, „мен баҳорда бир кунда чопиб ташлайман“ деб мақтандинг. Баҳорда эса шошганингдан катта-катта палахса-палахса қилиб чопдинг. Гўнг солмадинг. Боболаримиз „Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда“ деб бежиз айтишмаган.

Ердан қор кетиши билан Хусан дадасининг гапи билан ўз ерини қайтадан майдалаб чопиб чиқди. Дадаси редиска,

пиёз ва ошқўкларга алоҳида-алоҳида поллар тайёрлади. Катта полга редиска, бошқаларига пиёз ва ошқўк уруғларини сешиб, устидан майда гўнг сочди ва целлофан плёнка ёпди. Кўешли кунларда плёнкани очиб, изгиринли, ёгин-сочинли кунларда қайта ёпиб қўйишди. Хусан „тадбиркор“нинг редискаси бозорчага олиб чиқишга тайёр бўлганида „полвон“нинг редискаси нимжонгина бўлиб, ўзини кўрсатди. Гўнг солиниб, қайта ишлов берилган семиз ва ориқ ерлардаги ҳосилнинг фарқи катта эди. Хусан етиштирган редиска ва ошқўклардан ойиси ўғлини мақтаб-мақтаб ён қўшниларга улашиб чиқди. Қолган ҳосилни Хусан мактабдан бўш вақтларида бир ҳафтага қолмасдан гузардаги бозорчада сотиб бўлди.

- Кўрдингми ўғлим, бу йил сен ботинкангнинг пулини йўқотдинг. Дадасининг гапига Ҳасан ўзини оқламоқчи бўлди:

- Вой, дада, мен қачон пул йўқотдим?

- Тўғри, сен ёнингдан пул йўқотмадинг. Вақтинг кетди - нақдинг кетди, дегани - пул йўқотдинг дегани. Ерни ўз вақтида чопиб, гўнг солмадинг. Оқибатини ўзинг кўриб турибсан, - қайта тушунтирди дадаси.

**Эркин ЭРГАШЕВ,**  
муҳандис, фахрий.

## МУҲАББАТ - ЗЎРГА ЎХШАЙДИ

„Ўзбекфильм“ киностудияси ижодкорлари Абдулла Қодирийнинг „Ўтган кунлар“ романи асосида янги бадиий фильм яратишибди. Мен ҳам бу фильмни кўрдим.

ТошДУнинг Маданият саройида фильм намойишидан олдин унинг режиссёри Мелис Абзалов ва шу фильмда иштирок этган актёрлар қатнашдилар.

Улар орасида Отабек ролида ўйнаган Беҳзод Муҳаммадқаримов ҳам бор экан. Талаба ака ва опаларим уларга саволлар бердилар. Мулоқот кўнгилдагидек қизиқарли бўлди. Кейин „Ўтган кунлар“ фильми намойиш этилди. У менга жуда ёқди. Фильм муҳаббат ҳақида бўлса ҳам, менимча уни болалар ҳам албатта кўриши керак.

Отабекнинг жасурлиги, одоби, Кумушнинг гўзаллиги, ақллигидан ўрناق олсак бўлади. Отабек мулоҳазали йигитлиги туфайли уч мартаба ўлимдан қолди, Кумушни ҳам қутқарди. Мен Отабек ва Кумушнинг бир-бирларига бўлган чин муҳаббатларига қойил қолдим.

Зайнаб ёвуз опасининг гапига кириб, Кумушга захар берди. Кейин ўзи ҳам нима иш қилиб қўйганини англади. Пушаймон бўлиб, эси оғиб қолди. Отабек Кумушнинг ўлимидан кейин, айрилиқ доғида урушга кетиб қолди. Урушда ҳалок бўлди. Бу ишларга Отабекнинг онаси - Ўзбек ойим сабабчи бўлди.

Мен бу ишларга муҳаббат сабабчи бўлди, деб тушундим: Зайнаб Отабекни яхши кўргани учун Кумушга захар берди. Ҳомид Кумушни яхши кўргани учун Отабекни ўлдирмоқчи бўлди. Отабек Кумушни яхши кўргани учун Ҳомидни ўлдирди. Ўзбек ойим Отабекни яхши кўргани учун уни Зайнабга ўлантирди...

Тушунишимча, яхши кўриш - жуда кучли нарса экан. Ундан эҳтиёт бўлиш, кўрқиш керак шекилли. Менимча, муҳаббатга суянса, ишонса ҳам бўларкан!

**Сухроб САИДМАНСУР ўғли,**  
28-мактаб ўқувчиси.

## МАҲСУЛОТИНГ ҲАҚИДА БОЛАЛАРГА АЙТ, ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### „ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни

#### ОЧИҚ САВАОГА ЧИҚАРАДИ

ва уларга чекланмаган миқдорда

#### БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади.

Тўловлар исталган турда.

#### МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

**1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!**



Мурожаат учун манзил:

700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, „Ўқитувчи“ нашриётининг „Савдо-тижорат бўлими“.  
Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86. Факс: 144-26-89.

„ЁШ ИҚТИСОДЧИ“ГА РЕКЛАМА ВА  
ЭЪЛОНЛАРИНГИЗНИ ҚЎЙЎДАГИ МАНЗИЛДА  
БУЮРТМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН:



700029. Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони, 2-уй, 401-хона.

Мулоқот учун телефон:  
(371) 139-49-32, 139-16-19.  
Факс: (371) 139-48-23.





## СИЧҚОН ЕТАКЛАГАН ОДАМ



**У**ОЛТ ДИСНЕЙни сизга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Уни етти яшардан етмиш яшаргача баб-баравар танийди. Ҳаёт йўли эса кўпчиликка қоронғу. Бу қоронғуликни равшан этмоқ учун куйидаги тафсилотни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Бир пайтлар Уолт Дисней шунчалар зориқиш билан турмуш кечирардики, ҳатто тушликни ҳам ҳамёни кўтармасди. Ҳозирда эса уни бутун дунё - Цейлондаги чой плантацияларидан тортиб, Шимолнинг муз кенгликларидagi балиқчилар қишлоғигача танийди. Қутб яқинида яшовчи эскимослар Аляскада унинг фильмларини кўришгач, шунчалар таъсирланишибдики, ҳатто Микки-Маус махсус клубини ҳам ташиқил этишибди. Унинг аъзолари мунтазам муз кулбада йиғилишиб туришаркан.

Ёшлик йилларида Уолт Дисней ҳеч нарсага эга эмасди. Кейин эса бойиб кетади. Агар хоҳласа бемалол округ бўйлаб ҳашамли "роллс-ройс"да сайр қилиши мумкин эди. Бироқ, у қўлдан сотиб олинган эски автомобилни лозим кўради. У барча даромадларини яна ишга йўналтиради. Унинг таъкидлашича, қиёмига етган фильмларни ишлашни миллионларни тўплашдан афзал билади.

Канзасда яшаб юрган пайтларида Дисней расм бўлишни орзу қиларди. Бир куни иш излаб "Канзас-Сити стар" тахририятига борди. Мухаррир унинг расмларини кўриб, сенда истеъдоднинг ном-нишонаси йўқ, дея жавоб беради. Ажабланган, шу билан бирга қалби қаттиқ оғринган Уолт Дисней уйга қайтади. Ниҳоят, кам ҳақ тўланадиган, черков мавзусидаги сувратларни чизишдан иборат бўлган иш топади. Бошқа бирор бино бўлмагани учун, отасининг гаражидан студия сифатида фойдалана бошлайди. У пайтларда амал-тақал кун кечирувчи бўлажак миллионернинг кейинчалик тан олишича, ўша ифлос, бензин ва ёғ ҳиди омухта бўлиб кетган гаражда ишлаш унга роҳат бағишларди, миллионларга айланган ғояларни берганди.

Бу эса куйидагича содир бўлганди. Бир куни ёғоч гаражнинг полида сичқон пайдо бўлди. Одамга парво қилмай, у ёқдан бу ёққа югургилай бошлади. Буни кўрган Дисней уйига бориб, унга нон увоклари келтиради.

Вақт ўтиши билан сичқон у билан шунчалар дўстлашиб кетадики, ҳатто мольбертининг устида ҳам бемалол сайр қила бошлайди.

Кейинроқ Дисней "Куён Овсал" деб номланган мультфильм серияларини тайёрлаш учун Ҳолливудга йўл олади. Аммо, бу муваффақият қозонмайди ва у пулсиз ҳамда ишсиз қолиб кетади.

Бир куни торгина хонасида ўтириб, бўлажак фильмининг ғояси устида қаттиқ ўйларди. Шу пайт канзасдаги гаражда мольбертининг устигача чиқишга ўрганиб қолган сичқонча лоп этиб ҳаёлига келиб қолади.

У дарҳол эски дўстининг чизгиларини чиза бошлайди. Шундай қилиб Микки-Маус туғилади. Ўша канзаслик сичқонча, бутун дунёга машҳур кўплаб ленталар қахрамонларининг бобокалони. Микки-Маус ўз номига ҳар қандай кино юлдузидан кўп мактуб олади. У кўплаб мамлакат кинотеатрларида ҳар қандай актёрдан кўп намоён бўлади.

Уолт Дисней ҳар ҳафта ҳайвонот боғига бориб, ҳайвонларни кузатади, товушларини ўрганади. Дарвоқе, Микки-Маус тўғрисидаги фильмда сичқончанинг чийиллашича, яна бошқа ҳайвонлар товушига унинг ўзи овоз берган.

Шу билан бирга, у ўз фильмлари учун ҳеч қачон сценарий ёзмайди, расмларини ҳам чизмайди. Бунинг учун унинг 134 кишидан иборат ходимлари бор.

Уолт Дисней бор вақтини картиналари учун ғоя ва сюжет излаш билан ўтказади. Бирорта ғоя туғилгач, уни сценарий бўлимининг йигирмата ходими билан муҳокама қилади. Бир куни онаси айтиб берган уч чўқча ва кулранг Бўри тўғрисидаги эртаски экранлаштиришни таклиф қилди.

Бунга ходимлар рад жавоб беришди. У ҳам бу ғояни унутишга ҳаракат қилди-ю, лекин унутолмади. Бироқ, ҳар гал ўша эртаски мурожаат қилганида, ёрдамчилари бундан ҳеч нарса чиқмайди, дея раъйини қайтаришарди.




Ниҳоят, улар "Агар шунга қарор қилган бўлсангиз, бир уриниб кўрайлик" дея рози бўлишди. Бироқ, муваффақиятга ишонмаётганликлари шундоқ билиниб турарди.

Микки-Маус тўғрисидаги фильмни тайёрлаш учун 90 кун кетган эди. Вақтни беҳуда сарфламасликка аҳд қилиб, уч чўқча тўғрисидаги фильмни суратга олиш учун 60 кун белгилашди. Картина бирон-бир натижа беришига студиядаги ҳеч ким ишонмасди. Томошабинлар уни катта олқиш билан кутиб олишди.

Фильм шов-шувли муваффақият қозонди. Тез орада Жоржия пахта далаларидан тортиб, то Виржиниянинг олма боғларигача ҳамма "Бизга бўри чикора, чикора, чикора" деб куйлаб юришарди.

Уолт Диснейнинг айтишича, кўплаб кинотеатрларда фильм ҳар куни, кетма-кет кўйилардики, бундай муваффақият ҳар қандай мультипликаторга ҳам насиб этавермайди.

Дисней фильмларининг умри боқий. Кўплаб жойларда, айни дақиқаларда, бир неча йиллар олдин экранга чиқарилган Микки-Мауснинг саргузаштларини томоша қилиб ўтиришган бўлса, ажаб эмас.









“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА  
 МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри,  
 Мустақиллик майдони,  
 2-уй, 402-хона  
 (Музаффар Пирматов).


Мулоқот учун телефон:  
 (371) 139-49-32,  
 139-16-19.  
 Факс: (371) 139-48-23.




Том суратини ўзингиз ҳам чизишга ҳаракат қилинг.



Лабиринтдан ўтишга ёрдам беринг.



Қайси йўлдан юрса Жерри музқаймоққа етиб боради.



Суратда нечта айлана чизилган.



Жерри суратини ўзингиз ҳам чизишга ҳаракат қилинг.



Суратлардаги 7 та фарқни топинг.





9 майни «Кўзларда ёш-у дилларда бардош билан, коқ суяк етимлар-у ёруғ дунёси зулматга айланган оналар билан етиб келган байрамимиз», деб атайдилар. Ота- боболар қон кечиб, оналар тер тўкиб, болаларнинг эса очликдан силласи қуриб зўрға етиб келган байрами эди бу кун.

Тошкент шахрида яшовчи Абдулла бобо Ибодов ҳам, галаба кунини яқинлаштирган инсонлардан биридир. У киши урушдаги фидокорона меҳнати учун кўплаб медалларга сазовор бўлганлар. ҳозир 80 ёшни уриб қўйган бўлса-р-да, ҳамон бардам бакуватлар. Абдулла бобо урушда ҳарбий врач бўлиб ярадор аскарларни даволаганлар, хатто Берлин шахрини ишғол этишда ҳам қатнашганлар.

- 1944 йили 21 июлда «Багратион» деб номланган катта ҳужум бошланди, - деб ҳикоя қиладилар Абдулла бобо. - Режага кўра ботқоқликдан кечиб ўтиб, душманга орқа томондан қаттиқ зарба бе-

Урушда мардлик ва қахрамонлик кўрсатган жангчилар сони ҳам йилдан-йилга сийраклашиб борапти. Уруш суронларини кўрган юртимиз фарзандлари номини ёдда тутиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу кунларда Республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқла-

## ОҚ БАЙРОҚНИ КЎРГАН АБДУЛЛО БОБО

риш лозим эди. Бу жангда ярадорлар жуда кўп бўлганлиги сабабли Покровск қишлоғининг идорасини шифохонага айлантириш лозимлигини айтишди. Ёрдамчи фельдшер билан биргаликда бир кеча - кундузда идорани 70 ўринли шифохонага айлантириб, ярадорларни даволай бошладик. Ҳамширалар йўқлиги туфайли шунақанги қийналдикки...

Лекин, қишлоқда яшовчи аёллар ўзлари тушуниб етиб, бизга ёрдамга кела бошлашди. Улар полларни ва кийим-кечакларни ювишар, ярадорларга овқат едиришар, хат ёзиб ёки ўкиб берардилар.

Ана шу жангдан сўнг Абдулла Ибодов жанговор Қизил-Юлдуз ордени билан тақдирландилар.

Абдулла бобо Берлинни ишғол этишда ҳам аскар-

лар билан ёнма-ён борганлар. Ярадорларни даволаётганларида Германия таслим бўлганини эшитиб, қулоқларига ишонмабдилар ва кўчага югуриб чиқибдилар. Қарасалар баъзи уйларнинг деразаларида оқ байроқ осилиб турганмиш.

- Ўша оқ байроқларни кўрганингизда ҳаёлингизга биринчи бўлиб қандай фикр келди? - деб сўрадим мен.

- Аввалига хайкалдек қотиб қолибман, ўйлаш қаёқда дейсиз...

- Бироз ўзимга келганимдан кейин ўйладим: «Э, уруш тугаган бўлса, тирик қоларканман-да... Тирик қолдимми, демак Ўзбекистонни қайтиб кўрарканман». Очиғини айтганда, исталган дақиқада ўққа учинишни билиб туриб яшаш дахшат-да... Майли, у кунларни биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин. Ишқилиб юртимиз тинч бўлсин, элимиз хотиржам ва омон бўлсин. Тинчлик



Уруш қатнашчилари ҳам, уларнинг хотираси ҳам қалбларда абадий яшайди.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

рида галаба кунига бағишланган турли кеча ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Юқори Чирчиқ тумани марказий кутубхонасида ҳам ана шундай кеча бўлиб ўтди. «Уч

авлод учрашуви» деб номланган кечани Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ва туман марказий кутубхонаси ходимлари биргаликда ўтказишди.

## ОНАМНИНГ УСТОЗИ

«Устоз отангдан улуг», деган ажойиб бир мақол бор халқимизда. Бу нақлнинг қанчалик тўғрилигини мен онамга қараб англаб етдим. Чунки онам хали ёш бўлишига қарамай тиббиёт фанлари номзоди, доцент бўлдилар. Ҳозир Бухоро тиббиёт институтида маънавият ва маърифат бўйича проректор лавозимида ишлайдилар.

Онамнинг айтишича, ўзининг шу даражага етишида устози профессор Мухаммад Болтаевнинг доно маслаҳати ва ўғитлари катта ёрдам берган. Мен инсоннинг камолга етишида устози катта ўрин тутишини англаб етдим. Онамнинг устози Мухаммад Болтаев ҳақида билганларимни ўз тенгдошларимга сўзлаб

бермоқчиман.

Мухаммад Назарович Болтаев 1928 йили Бухоро шахрида туғилганлар. 1946 йили ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирадилар. Талабалик йиллариданоқ тил ва фалсафа дунёсининг мураккаб муаммолари уни ўзига жалб этади ва «Тил ва тафаккур бирлиги» мавзуидаги курс иши устозларининг таҳсинига сазовор бўлди.

Мухаммад Болтаев 1951 йили Москва Давлат университетининг аспирантурасига ўқишга кирадилар. Машҳур файласуф олим, профессор Валентин Фердинандович Асмус раҳбарлигида фалсафа сир-

ларини чуқур ўрганадилар ва 26 ёшида «Мантский етарли асос қонуни» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлайдилар.

Аспирантурадан кейин Мухаммад Болтаев Тожикистон Давлат университетида дарс берадилар. Бу ерда у киши машҳур шарқшунос, файласуф олим, асли самарқандлик Аловуддин Баховуддинов билан бирга ишлаш бахтига мушарраф бўлдилар.

Ҳозирги кунда эса Мухаммад Болтаев Бухоро Давлат университетига фаолият юритиб келмоқдалар. Устоз ўз атрофига фалсафий илмга чанқок ёшларни тўплаб, «Фалсафа тарихи» фани бўйича ўзига хос мактаб яратдилар. У кишининг шогирдлари Абу Бакр Ар-розий, Абдуҳолик Гиждувоний, Баховуддин Нақшбанд, Саид Мир Кулол, Абдурахмон Жомий, Ат-Термизий каби улуг мутафаккир

алломаларнинг миллий меросини тадқиқ қилиб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаганлар.

Ойижонимнинг айтишича, профессор Мухаммад Болтаев инсонлардаги меҳнатсеварлик, мустаҳкам ирода, ҳаётга муҳаббат ва собитқадамлик сингари фазилатларни кадрлар ва ўз шогирдларида ана шу хусусиятларни мужассамлаштиришга интилар эканлар. «Бошқаларни тарбияловчи инсон ўз кучига ишонувчи, ҳар қандай шароитда ҳам қийинчиликлардан кўркмаслиги лозим, - деб уқтирар эканлар устоз ўз шогирдларига. - Фақат шундай хусусиятларга эга бўлганларгина ҳақиқий педагог, ҳақиқий инсон бўлиши мумкин».

Қўйиб берсангиз, онам ўз устозларининг одамгарчилиги, шогирдларига нисбатан оталарча ғамхўрли-



ва омонлик бўлса, қолган ҳамма нарса топилади

Абдулла бобо ҳозир Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалласида истикомат қиладилар. Тумандаги 46- мактаб ўқувчилари билан тез-тез учрашиб жанг хотираларини сўзлаб берадилар. Ичкилик, тамаки ва нашавандликнинг зарари ҳақида болаларга тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Абдулла бобонинг ҳаётда биттагина орзуси бор. У ҳам бўлса:

- Одамлар мени «Яхши инсон эди», деб эслаб юришса бас.

Муҳаббат  
ЙЎЛДОШЕВА.

Кечани туман марказий кутубхонаси директори Дилбар Абдукаримова кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг уруш фахрийларидан Фаттох Исмоилов, Боймат Норматов ва афғон уруши қатнашчиси Хожимурод Назировлар йиғилганларга жанг хотираларини ҳикоя қилиб беришди.

Кеча сўнггида тумандаги 6- мактаб ўқувчилари Галаба кунига бағишланган мушоира уюштиришди. Кутубхона ходимлари томондан ташкил этилган «Оталар жасорати унутилмайди» номли деворий ва китоблар кўرғазмаси кечага янада файз бағишлади.

Латифжон МАНСУРОВ.

ги ҳақида соатлаб сўзлайдилар. Мен эса онамга қараб туриб фахрланиб кетаман. Ҳаётдаги чорасиз кўринган оғир дамларда ҳам доно маслаҳати ва ўғити тўғри йўлни кўрсата оладиган муаллим - Мухаммад Болтаев сингари олимлари билан она Бухором фахрланса арзийди.

Лола ҲУСЕЙНОВА,  
Бухоро шахридаги  
22-мактабнинг  
9- синф  
ўқувчиси.

Истеъдодли шоира, болажон журналист Халима Аҳмедовага волидаи мухтарамаси - Бахшанда Хамро кизининг оғир бетобликдан сўнг дорилбақога рихлат қилгани боис чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Ҳамкасбимизга яратгандан сабру бардош, таскин ва тасалли сўраймиз.



— Ая, биз инглиз тилини ўргандик, бизнинг тилимизни ҳам кимлардир ўрганишадими?

— Ҳа, урганувчилар бор.

— Бор, деяпсиз. Демак, унчалик кўп эмас экан-да. Қачон жуда кўп одамлар ён-пасига тилимизни ўргана бошлайди?

— Қачон миллатимиз яна жаҳон сахнаси баландликларига кутарилганда.

— Қачон кўтариламиз?

— Ўзбек машиналари, ўзбек компьютерларини ихтиро қилсак. Ўзбекона кашфиётлар яратсак, биз бировлардан эмас, бировлар биздан андоза ола бошласа...

Қизчам мен кутгандек «эх-ҳе», бунча қийин ё «қачон булади бунақаси» демайди, аста қўлидаги тест саволлари жамланган «Ахборотнома»га энгашади-да, ёзувлар аро шунгиб кетади. Унинг мучали йулбарс — ун икки ёш устида. Уғлим эса саккиз ёшда, саволлари беҳисоб уларнинг,

улар мени ҳамма нарсани биллади, тушунади, деб уйлашади. Ҳар ахтарганига мендан паноҳ излашади. Менинг эса умидим уларда. Мен уларга таянмоқчи буламан.

кимимиз бор? Сизга ишониб яшайпмиз.

Ҳа, сизларни билимдон бўлсин, деяпмиз. Мактаблар қурайпмиз, имкон қадар замонавий ўқув асбоблари билан

катта-катта мансабдорларга топшириқлар беради, давлат ҳисобидан пул ажратади.

Нега?

Сиз эртага кимнингдир машинасини ювиб, қорамойга беланиб юрмаслигиниз учун!

## СИЗ БИЗДАН КАТТАРОҚСИЗ

Умид уздим биздан,

ўзимдан,

Лекин этак

сидқитмасин ҳақ.

Шу иккита қора кўзимдан  
Яратгайман битта

буюк халқ.

Шунчаки ёзмадим буни. Ростдан шу кайфиятим бор. Яқинда мактаблардан бирида учрашувда болаларга ҳам шу гапни айтдим: Туполончиликларинг, топқирликларинг, дунёга ҳайрат билан боққан қора кузларинг билан сизларни жуда яхши кўраман. Ахир, сиздан бошқа

жиҳозлаяпмиз. Янги дарсликлар яратаяпмиз, хориждан катта маблағлар эвазига ўқитувчилар чақиряпмиз, сизларни дунё курсин, тил ургансин деб чет элларга жунатаяпмиз. Яна хунарли булинг, деяпмиз. Мактабларни хунарга мослаяпмиз. Турли-туман курик, танловлар утказаяпмиз, рағбатлантираяпмиз. Сиз учун махсус «Миллий дастур»лар қабул қилаяпмиз.

Ҳатто, Президентимиз қизиқади сиз билан. Уқишингиз, кайфият, интилишларингизни суриштиради, сиз деб

## Бахт — беоромликда

учун! Ўз фирмаларинг, фермаларингиз, завод, фабрикаларингиз — мулкингиз булиши учун!

Биз сизнинг миллат халқ булишингизни, яратувчи, эга булишингизни, судралиб юрувчи, эгилувчи, қуллук қилувчи эмас, тик булишингизни истаимиз.

Озодлик — эгаларники!

Озодлик — тикларники!

...Қизчам ухлаб қолибди. Қулида «Ахборотнома». Оҳиста олиб қуяман. Варақлайман. Беҳисоб саволлар енига белги қўйилган, суроқ қўйилганлари ҳам бор. Демак, йул излаяпти, жавоб излаяпти. Ҳамма болалар миллат бўлмоқ, халқ бўлмоқ саволларига жавоб излаяпти.

Изланг бетин, беҳаловат булинг. Бахт — беоромликда, галаба ҳаракатда. Биз сизнинг ёнингиздамиз. Сиз эса биздан каттароқсиз.

КУТЛИБЕКА



Сизнинг фарзандингиз отчопарда югуриб аравакашлик қилмаслиги, ё жазирама, қаҳратонда «сомса оласизми?», «сув ичасизми?» дея ҳар утган-кетганга термулмаслиги



## «Ойнаи Жаҳон» — болаларга



СЕШАНБА, 12 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

9.05 «Олам ва одам».

9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун» видеофильм. 6-қисм.

10.25 Инглиз тили.

12.05 Болалар учун «Мактаблар — кабуларлар».

12.30 Кундузги сеанс «Келди-ю, кетди». Бадиий фильм.

18.10 Болалар учун «Қувноқлар даврасида».

20.10 Оқшом эртақлари.

21.30 «Акс садо».

22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун» видеофильм, 7-қисм.

Ўз.ТВ — 2

18.15 «Ёрилтош» мульттуплам.

18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.

Ўз.ТВ — 4

18.50 Мульттомоша.

19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».

ЧОРШАНБА, 13 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

9.10 «Келажакимиз ворислари».

9.35 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун» видеофильм, 7-қисм.

11.30 Акс садо.

12.20 Кундузги сеанс «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.

14.10 «Маърифат маскани».

18.10 «Уйин» мультфильм.

20.10 Оқшом эртақлари.

Ўз.ТВ — 2

18.10 «Жаҳон халқлари эртақлари».

Ўз.ТВ — 3

18.40 Болалар учун «Эртақнамо чоршанба» кинокурса-тув.

Ўз.ТВ — 4

18.50 «Мульттомоша».

20.10 «Дунё ва болалар».

ПАЙШАНБА, 14 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

9.10 «Устоз» телеочерк.

9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун» видеофильм, 8-қисм.

10.30 «Янги алифбони урганамиз».

11.20 «Спортчилар сулоласи».

12.20 «Алиса қузгу орти ул-касида». Мульттуплам.

18.10 Болалар учун «Табиат алифбоси».

20.10 Оқшом эртақлари.

Ўз.ТВ — 2

18.10 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.

18.50 «Катта танаффус». Те-

леуин.

20.05 «Табобат оламида».

Ўз.ТВ — 4

18.50 «Мульттомоша».

ЖУМА, 15 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

9.15 «Соғлом авлод учун».

10.05 Немис тили.

10.35 «Меҳр макони».

10.55 «Бола дунёни тебратар».

11.50 «Алиса қузгу орти ул-касида». Мультфильм.

18.10 «Қушигим жон-қушигим».

20.10 Оқшом эртақлари.

21.00 «Иқтисод алифбоси».

Ўз.ТВ — 2

17.00 Болалар учун «Бинафша».

18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».

Ўз.ТВ — 4

18.50 «Мульттомоша».

19.50 Оқшом эртақлари.

Ўз.ТВ — 2

8.00 «У ким? Бу нима?».

12.05 Болалар экрани.

17.40 «Ёрилтош». Мульттуплам.

18.05 «Боланинг тили».

Ўз.ТВ — 4

10.30 «Шанба эртаги».

18.50 «Мульттомоша».

ШАНБА, 16 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

9.00 Тулқин. «Қайнар хумча». Йулдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

10.35 «Шоҳрух» клуби.

11.25 «Орзулар қанотида».

18.00 Болалар учун «Кузгу» тележурнал.

12.05 Мультфильм.

12.45 Болалар экрани.

16.55 «Ёрилтош» мульттуплам.

18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».

18.40 «Буш утирма».

Ўз.ТВ — 3

16.15 «Цирк, цирк цирк».

Ўз.ТВ — 4

9.00 «Хайрли тонг».

9.55 «Эртақнинг сеҳрли олами».

14.30 «Жонли сайера».

18.45 «Мульттомоша».

ДУШАНБА, 18 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

20.10 Оқшом эртақлари.

Ўз.ТВ — 2

18.15 «Ёввойи ҳайвонот олами».

Ўз.ТВ — 4

18.50 «Мульттомоша».

СЕШАНБА, 19 МАЙ

Ўз.ТВ — 1

10.25 Инглиз тили.


20.10 Оқшом эртақлари.

Ўз.ТВ — 4

18.50 «Мульттомоша».

Азиз ўқувчилар! Бу ҳафта давомида ушбу кўрсатувларимизни кўришингиз мумкин, кўрсатувимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,  
«Болалар» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари.





# СИГИР СОҒСАНГ СУТЛИ БЎЛСИН

«Тонг юлдузи» газетасида «Бувимнинг сеҳрли сандиги» рукни очилганидан жуда қувондик. Синфдошларимнинг ўз бувижонлари бор. Улар халқ қўшиқлари, эртақ,



афсоналарни, шеър ва ривоятларни билдилар.

Доно бувижоним яқинда 64 ёшга тўлдилар, буважоним эса 66 га. Улар 33 йилдан буён турмуш қуриб, 9 та фарзанд ва 24 нафар набирага бош-қошдирлар. Бувижонимнинг миллатлари қорақалпоқ, бувамники эса ўзбек. Шунинг учун биз ҳар иккала тилда ҳам бемалол сўзлаша оламиз. Байрам кунлари ҳаммамиз-тоғаларим, аммаларим ва биз набиралар бувижонимни кига йиғилсак, тўй бўлиб кетади... Ўшандай кунларда бувимнинг "сеҳрли сандиқ"лари очилиб, ундаги лапар-у дostonлардан мазза қиламиз.

Мен сизларга бувижонимдан ёзиб олганим-келин тўйларида айтиладиган термалардан айримларини юборяман.

Сигир соғсанг сутли бўлсин  
келинчак,  
Саломларинг қутли бўлсин  
келинчак.  
Тўй берганлар бахтли  
бўлсин келинчак,  
Аввал бошдан тўйхонага  
бергин салом.  
Яхшиларни кўриб яхши тилак  
айтибди,  
Яхшилиги бугун эл-халқдан  
қайтибди.  
Элни тўплаб катта тўйлар  
берибди,  
Қайнотанга эгилиб бер  
жуфт салом.  
Кўргин келин яхшиларга  
дилбандсан,  
Сийла келин қалби қалбга  
пайвандсан.



Тузим оқлаб бўлгин оқил  
фарзанд сан,  
Қари, ёшдан, уй, хонага бер  
салом.



Пайгамбарнинг бир қизини  
Али олган ёр-ёр,  
Қиз олмоқ ва қиз бермоқ  
шундан қолган ёр-ёр.  
Ҳайвонларнинг бириси  
така бўлар ёр-ёр,  
Юзингдаги чимилдиқ пана  
бўлар ёр-ёр.  
Ҳайвоннинг яна бири от  
бўлади ёр-ёр  
Сийпамасанг қариндош ҳам  
ёт бўлади ёр-ёр.  
Шилдир-шилдир қамишга  
сирғам тушди ёр-ёр,  
Сиримни билмас элга  
синглим тушди ёр-ёр.

Муяссар БЕКИМОВА, г. Беруний туманидаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси

СУРАТЛАРДА : Бувим яшаган даврдаги келин тўйи, келинларни аравада олиб келишган. Ҳозирги келин тўйлари.

## МЕН ДАРАХТМАН

Мен аввал кичкина холда сув беришди, на эдим. Мени тупрокдан, совукдан рокқа кўмдилар. Ҳар асрашди. Лекин туп-

рок остида нима бўлгани ва нималар қилганимни ҳеч ким билмайди, кўра олмайди. Мен анчадан сўнг ниҳол бўлиб

тупрокни ёриб чиқдим, Бир муддат кичик дарахт ҳолида қолдим.

Менга қарашарди-бир нарса бўлмасин, деб кузатишарди. Аста-секин ўсдим, шох ота бошладим, гулладим, шириншакар мевалар бера бошладим. Мен оддий дарахт бўлсамда фойдаларим жуда кўпдир.

Эй, қўли болтали тегмагин менга  
Кичкинадир вужудим, биров улгайсин  
Шохларимни ёйсам бутун тўрт ёнга  
Йўловчилар соямда ётсин,  
ухласин.

Ёмон фикрлар-ла келма ёнимга  
Инсоф қил, раҳм қил, ширин жонимга  
ҳосилим қушларни, сени тўйдирсин  
Оловим совуқни, гамни куйдирсин...  
Салима МУЛЛАБОЕВА

### ТЕЗ АЙТИШААР

Тўлқин Толиб  
тепган тўпни  
тезда тўсди.

Товуқ тухум тугиб  
тариқ теришга  
тушди.

Турсун топган  
тақа тойнинг  
туёғидан  
тушганди.

Қобил қоровул  
қувганда қаттиқ  
қўрқиб қочди.

Абдувоҳид ОЧИЛОВ



-Кўйлагим ярашибдими? Дадам олиб келдилар, - дейди кувонч билан Дилафруз.



## ОПАТА ОУЛАВ

Йўлдош сулаймон

Хидлари ўтади  
Атир-у упадан!

Топгандайин бахтингизни,  
Аямасдан вақтингизни-  
Нисор этиб жонингизни,  
Хар ганимат онингизни-  
Заҳмат билан ўтказдингиз,  
Ва камолга етказдингиз:

Гулларнинг дил-дилга  
Сочган хуш бўйлари-  
Шаҳримнинг газали,  
Шаҳримнинг куйлари.

## ШИРИН ХАЁЛ

«Хунар бўлса қўлингда,  
Нон топилар йўлингда».

«Билган билганин ишлар,  
Билмаган бармоқ тишлар».

«Инсон иқболи- хунар,  
ундан ризқу-рўз унар».

«Хунарни чала билма,  
Тўла бил, ўғлим, ўлма»

Бундай сўзлар жуда кўп,  
Гоҳ эшитиб, гоҳ ўқиб-  
Мағзини чаққанман,  
Ўзим жуда чаққонман.  
Енгилман худди қушдай,  
Аълочиман ўқишда!

Йилларни хатлаб ўтиб,  
Хунар этагин тутиб,  
Бўламан машҳур уста.  
Тоғ ёнида бир бўстон-  
Қишлоқ қураман ҳали?  
Ана шуни ўйлайман,  
Ширин хаёлга бойман!



ИНГЛИЗЧА

«АЛИФБЕ»

БАЙРАМИ

Лицейимизда 5-  
«Б» синф бошқалари-  
дан ажралиб туради.  
Чунки бу синфдаги  
болалар инглиз ти-  
лида бемалол гапла-  
ша олишади. Инглиз

(ИШОНЧ)

тили дарси уларга  
хафтасига 10 соат  
ўқитилади. Яна  
қўшимча дарслар  
хам бор уларда инг-  
лиз тилидаги эртак,  
хикояларни ўқиб,  
муस्ताқил таржима  
хам қилишади.

Яқинда бу синфда  
инглиз тили «Алиф-  
бе» байрами бўлиб  
ўтди. Ўқувчиларнинг  
бу тилда тайёрлаган  
сахна кўринишлари,  
ёдлаган шеърлари  
ийтилганларга ман-  
зур бўлди. Указон-  
ларимиз бу кетишда  
чет эл олийгоҳлари-  
га бемалол кириб  
ўқишларига ишона-  
ман.

Гулноза Шарипова,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон шаҳар  
9-иктидорли болалар  
мактаб-интернатининг  
11-синф ўқувчиси.

Дилрабо  
ДАВЛАТОВА.

хам Тошкент шаҳридаги 82-  
мактабда таълим олаётган  
тенгдошингиз Элдорга омад  
тилаб, у чизган расмларни  
сизга кўрсатмоқчимиз. Мар-  
хамат.

## ЭЛДОР ЭЛ ТАНИМОҚДА

Тенгдошингиз Элдор 5-  
синфда ўқийди. У ҳам бош-  
ка болалардек футболни  
севади, спорт тўғрақлари-  
га қатнашади. Математика  
ва инглиз тилларига ҳам  
қизиқади. Бироқ унинг ай-  
римларингиздан ажралиб  
турадиган томони бор, рас-

сом. Элдор чизган суратлар-  
ни томоша қиларкансиз,  
пурвиқор тоғлар салобати-  
ни ҳис қиласиз, тошдан-  
тошга урилиб оқаётган сув-  
нинг шовуллашини тинг-  
лайсиз, суратлардаги қуш-  
лар эса гўё осмон-у фалак-  
ка парвоз қилмоққа чоғла-  
нади...

Элдор мак-  
табнинг фах-  
ри! У махсус  
иктидорли  
синфда таъ-  
лим олади.  
Нега махсус  
деб сўрар-  
сиз? Чунки у  
икки синфни  
бир йилда та-  
момлайди.

Элдор  
яқинда Мос-

ква шаҳрида  
ўтказилган Бу-  
тунжахон  
ўқувчи ёшлар-  
нинг слёти-  
да ўзи чизган  
суратлари бил-  
ан иштирок  
этди ва фах-  
рий ёрлик ол-  
ди. Бу муваф-  
фақиятдан  
барча дўстла-  
ри, ота-онаси,  
мактаб жамоа-  
си айниқса, қўлига қалам  
тутқазган устози Қудрат ака  
Мираҳмедов жуда қувон-  
ди. 11 ёшида Бутунжахон  
ёш рассомлари билан тани-  
шиб, иктидорини намойиш  
қила олган Элдор респуб-  
лика нафис санъат лицейи-  
га ўқишга кир моқчи. Биз



## ИМТИХОНДА

-Иссиқ билан совуқнинг  
фарқи нимада? -деб сўради им-  
тихон олаётган ўқитувчи ўқув-  
чидан.

-Иссиқ кенгайтиради, совуқ  
торайтиради, -жавоб берди йи-  
гитча.

-Мисол келтиринг-чи?

-Қишда кунлар совуқлиги-  
дан қисқа бўлади, ёзда-иссиқ-  
лигидан узайиб кетади...

х х х

Ўқитувчи Гига:

-«От аравага қўшилган» -де-  
ган гапнинг буйруқ формасини  
айт!

Ги бироз ўйлаб турди-да:

-Чў! -деб юборди.

ХОНДАААР

-Алифбони яхши биласан-  
ми? -сўради ўқитувчи Ренедан.

-Ха жаноб, мен уни жуда  
яхши биламан.

-Бўлмаса, «А» дан кейин қай-  
си харф келади?

-Хамма қолганлари, жаноб.

х х х

-Тото, сенга қайси дарс  
кўпроқ ёқади?

-Охиргиси-да, хоним, -деб  
жавоб берди Тото.

х х х

-Бир ўзинг шунча хатони  
қандай қилдинг? -деб сўради  
ўқитувчи Полдан.

-Эй, жаноб, бу хатоларни мен  
бир ўзим қилганим йўқ. Биз уч  
киши эдик: мен, бобом ва  
бувим, -деди Поль.

Французчадан ТошДУ  
доценти  
Саидгани МУСАЕВ  
таржимаси.

## ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО  
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

## Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:  
Муртазо СУЛТОНОВ,  
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ЙҮЛДОШЕВА, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Инқилоб ЮСУП-  
ОВА, Дадахон ЁҚУБОВ, Мир-  
шоҳид МИРҲАМИДОВ, Сун-  
натилла ҚҮЗИЕВ, Феруза  
ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:

Музаффар ПИРМАТОВ,

Равшан ҚАМБАРОВ,

Асқар ШОКИРОВ,

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г -0901.  
39.983 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
• Манзилмиз: 700083,  
• Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон: 1-33-44-25  
1-36-57-91  
1-36-54-21